

Отасининг ортидан чиққан тўнғич ўғил Абдурахим "Дада, уйга кириш, милтиқни жойига қўйинг", деди. "Қайт орқангга!", дея Абдукарим ўғлига милтиқ ўқталди. Бола ортига ўгириллар-ўгирилмас тепкини босди.

Шу тариқа унинг хонадонига яширин цех иш бошлади. Н.Одилов қалбаки акхиз маркалари ёпиштирилган ароқларни қудаси Н.Юнусовнинг дўконига етказиб туради. Қудаси бу ароқларни харидорларга «тозасидан бор» дея пуллайверади.

# Ўзбекистон

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 25-aprel, №17 (850)

Бош прокуратурада

## Ҳамкорликнинг янги босқичи

2013 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қоширов Польша Республикаси Бош прокуратурасининг Марек Ямрогович бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Аъзамбек СОДИКОВ,  
Бош прокуратура бўлими  
катта прокурори

низмларини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу йўналишда босқичма-босқич амалга оширилаётган янги концептуал ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида назарда тутилган ҳамда норматив актларни қабул қилишни ўз ичига қамраб олган янги даврни бошлаб бергани таъкидланди.

Шу билан бирга, таширф давомида меҳмонлар Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг фаолияти билан танишишди. Шунингдек, делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси, Олий суд ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида икки томонлама ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиққан самимию ва дўстона руҳда ўтган учрашув Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Польша Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ҳар икки мамлакат прокуратура органларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Меморандумнинг имзоланиши билан яқунланди.

Таширф доирасида меҳмонлар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг тарихий обидалари ҳамда диққатга сазовор жойларида ҳам бўлиб, мамлакат Президенти ташаббуси билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, Тошкент вилоятининг Зангиота ва Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманлари ҳудудларида жойлашган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган яқка тартибдаги шинам уй-жойларни қўздан кечириб, у ерда истикомат қилувчи аҳоли, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан танишдилар.



## ОБОД ЮРТНИНГ КЎРКАМ УЙЛАРИ

Барчамизга маълумки, 2013 йил "Обод турмуш йили" деб номланди. Ўтган давр мобайнида олиб борилган ислохотларнинг узвий довоми сифатида, бу йил ҳам ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, уларнинг турмушини янада фаровонлаштириш мақсадида айнан шундай аталди.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида янги йилга шундай ном беришни таклиф қилар эканлар, ободлик тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, уни куйидагича изоҳлаб ўтдилар:

"Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз ҳақда кенг ва чуқур тушунаемиз. Обод деганда, халқимиз, миллати-

миз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барақа ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади".

Дарҳақиқат, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик туфайли республикамиз йилдан-йилга чирой очиб, тобора гўзаллашиб бораётир. Айниқса, қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий уйлар фуқароларимизга чинакам соғам бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида яқинда Зангиота туманида фойдаланишга топширилган мана шундай уйлар эгаларига олам-олам қувонч ҳадя этди.

Ўз мухбиримиз  
Анжуман

## Саломатлик йўлидаги бирдамлик

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан "2013 йилнинг 22-27 апрель ҳамда 20-25 май кунлари мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош 8 та вилоятда полиомиелит касаллигига қарши эмлаш кунлари ўтказилиши" муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вазирликлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда маърузачилар мамлакатимизда юқумли касалликларга қарши кураш ва

уларнинг олдини олиш масаласи давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминлаб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Матбуот анжуманида 2013 йилнинг 22-27 апрель ҳамда 20-25 май кунла-

ри мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида полиомиелит касаллигига қарши аҳоли ўртасида миллий эмлаш кунлари ўтказилиши ва шу мақсадда 4 миллион 260 минг вакциналар олиб келинганлиги ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур тадбирда мамлакатимиз бўйича 5200 га яқин эмлаш бригадалари, 600 дан орტიқ эмлаш пунктлари ташкил этилган.

Ўз мухбиримиз

# Тадбиркорга мададкор

Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорликка кенг йўл очиб бери. Нафақат шаҳарларда, балки туман марказлари ва қишлоқларда ҳам кичик бизнес жарада ривожланимиз. Савдо-хизмат кўрсатишдан ташқари ишлаб чиқариш, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишидаги корхоналар сафи кенгаймоқда.

Ўз ишини бошлаш ёки фаолият доирасини кенгайтиришни мақсад қилган тадбиркорларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар ҳавола этилиши бораборида, янги иш бошлаётганлар ортқида расмийликсиз давлат рўйхатидан ўтказилиб, банкларда ҳисоб рақамлари очилмоқда. Савдо-сотик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредитлар ажратилаяпти. Шунингдек, тадбиркорларнинг "Ишонч телефони"га мурожаатлари кўриб чиқилиб, "Халқ банки"нинг Данғара филиали томонидан уларнинг ҳар бирига 20 млн. сўмлик кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тўхтаб қолиш сабаблари ҳам атрафлича ўрганилиб, янгидан иш бошлашлари учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, 9 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, "Ганжаравон файзи", "Темур ота ТБЗ", "Ал ҳафиз бизнес эркин камоли", "FSA Inter Co LTD", "Cheero Favorite" масъуляти чекланган жамиятлари,

"Данғара азиз транс", "Golden Invest Plus Import" хусусий корхоналарининг фаолиятлари қайта тикланди.

Туман прокуратураси томонидан Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи ҳўжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига риоя қилиниши устидан туман ҳўкимлиги ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида мониторинг ўтказилди. Ушбу жараёнда инспекция томонидан рўйхатдан ўтказишни такомиллаштириш учун муайян ишлар амалга оширилгани ҳўлда, айрим қўнунбузилиши ҳўлатлари ҳам аниқланди.

Ўқоридаги Низомга кўра, тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганиги учун олиннадиган давлат божининг 60 фоизи инспекцияларни молиялаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ҳодимларни рағбатлантиришга йўналтирилган, 40

Ақбаржон ЮСУПОВ,  
Данғара туман прокурори

фоизи эса маҳаллий бюджетга ўтказилади. Аммо инспекцияда Низомнинг ушбу талабларига амал қилинмаган. Хусусан, "Наймавча биомасулот" хусусий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказдириб, гувоҳнома топшириш жараёнида энг кам иш ҳўқининг бир баробари миқдоридagi давлат божидан 40 фоизи маҳаллий бюджетга ўтказилмаган. Яна тўртта фермер ҳўжаликлари, уч нафар якка тартибдаги тадбиркорлардан рўйхатдан ўтказиш учун олинган бож ҳўқининг 40 фоизи маҳаллий бюджетга ўтказилмаган, гувоҳномалар берилган. 2011 йилнинг иккинчи ярмида юқоридагидagi 20 та ҳўлатда давлат рўйхатидан ўтказиш учун энг кам иш ҳўқининг бир баробари миқдорида олиннадиган бож ҳўқининг 40 фоизи, жами 471,3 минг сўм, 2012 йил мобайнида 28 та ҳўлатда жами 712,2 минг сўм маҳаллий бюджет ҳисоб рақамига ўтказилмаддан, инспекциянинг ҳисоб рақамига тўштирилган.

Аниқланган қўнунбузилиши ҳўлатларига бўйича тегишли прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. 3 нафар ҳодим интизомий жавобгарликка тортилди. Қўнунбузилишини келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш хусусида туман ҳўкими мазҳаб тасдиқнома киритилди. Тадбиркорга мададкор бўлаётган қўнунчилик ихроси мунтазам равишда таҳлил ишри борилюмоқда.

Сунги пайтда фойдаланилган электр ва газ ҳўқини ўз вақтида тўламай юрган фуқароларнинг қўпчилиги ўзини "назоратчиман", деб юрган товланмачилардан жабр кўриши олат тусига айланмоқда.

# Устомон назоратчилар

## ёки текин лўқманинг тешиб чиққани хусусида

Ориф БОЗОРОВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг  
Навбахор туман бўлими бошлиғи

Жалол Муротов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Навбахор тумани электр тармоқлари корхонасида 2010 йилдан бери назоратчи сифатида бинойидек ишлаб келаётган эди. Аммо нима бўлди-ю, нафси галаён қилиб, уни боши берк кўчаларга етаклай бошлади. Шу боис Ж.Муротов биринчи галда ўзига бириктирилган ҳудуддаги оилалар шароитини ўргана бошлади. "Қизил", "Кескантерак", "Янғихаёт" маҳаллаларини айланиб, шунга яраша режа тўзди ва йил бошида ишга киришди. Л.Худойқуловнинг уйига бориб, электр ҳисоблагични қўздан кечирди ва талабга жавоб бермаслигини айтиб, 180 минг сўмлик ҳисоблагичдан олиш кераклигини ўқтирди. Кейин тўлов дафтарчаси ҳам эскириб кетганини вақ қилиб, 25 минг сўмга янгисини олиб келиб беришни ваъда қилди.

Уй бекаси унга ишониб, сўраган пулни чиқариб берди. Аммо орадан тўрт ой ўтди ҳамки, на дафтарчадан ва на назоратчи Жалолдан дарак бўлди. Ўша кунларда Г.Унбаваникига борган Ж.Муротов бошқачарок йўл тутди. Электр ҳисоблагич давлат стандартларига тўғри келмаслиги, 100 минг сўм эвазига янгисини ўрнатиб, ҳам янги дафтарча очиб беришини айтди. Шу кун и сўралган пулнинг ҳаммасини ололмагач, икки кундан кейин, янги ҳисоблагич олиб келиб ўрнатишга мажбур бўлди ва қолган 50 минг сўмини ҳам олиб кетди.

Кўп ўтмай М.Бўронова билан ҳам худди шундай ҳўлат такрорланди. Унинг 46 минг сўм қарзи эвазига 20 минг сўмини олиб, чўнтакка урган Ж.Муротов хонадон эгасининг ҳўжатларини ҳам ўзи билан олиб кетди. Р.Юлдашевникига эса шериги билан бориб, бошқача усул қўллади. Унга 40 минг сўм қарзи эвазига 65 минг берса, ҳам қарзини тўлаб, ҳам янги электр ҳисоблагич ўрнатиб беришини ўқтира олди.

Бундай таклифга ноиллох рози бўлган уй эгаси айтилган пулни бериб юборди. Аммо янги электр ҳисоблагичдан ҳам, тўлов дафтарчасидан ҳам дарак бўлавермагач, Р.Юлдашев чўв тушганини биллиб қолди.

Вақт ўтгани сайин назоратчи Ж.Муротовнинг "тажрибаси" ҳам ортиб, режалари катталашаверди. Энди у ўзига шерик излай бошлади. Хуллас, "қозонга мўм қопқок" ҳам топилди. Шу корхонада, худди шу вазифада 2006 йилдан бўён ишлаб келаётган Умрзоқ Бўронов ўзидан ёши анча кичик бўлган Жалол Муротовнинг "тузоғига илинганини" ўзи ҳам билмай қолди.

Хуллас, икковлон А.Сафарованинг хонадонига кириб боришди. Бу хонадонда ҳам муаммолар кўп экан. Ҳисоблагич давлат қўригидан ўтмаган, муҳри йўқ, боз устига 275 минг 486 сўм қарздорлик аниқланиб, далолатнома тузилди. Улар янги ҳисоблагич учун 70 минг сўм, уни ўрнатиш учун эса 30 минг сўм хизмат ҳўқи сўрашди. 100 минг сўмини индиришгач, қайта қораларини ҳам кўрсатишмади.

"Кескантерак" маҳалласида яшовчи Ш.Эргашевнинг уйида ҳам шунга ўхшаш "ўйин" қилмоқчи бўлишди. Яъни ҳисоблагич яхши ишламаяпти, давлат муҳри бузилган, қопқоғи ҳам синган, дея далолатнома тузмоқчи бўлиб, уй эгасини 505 минг 88 сўм жарима билан қўрқитишди. Ундан 80 минг сўм пул олиш эвазига далолатномани йўқ қилишга келишишди. Уй эгаси бу суммани икки кундан кейин бера олишини айтди. Бироқ, текширувчилар кетишгач, кўп йўлаб ўтирмай, тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилди. Шундай қилиб, назоратчилар далолатномани йўқ қилиш эвазига Ш.Эргашевдан 80 минг сўм пулни олиб, йўлларига равона бўлишди-ю, узоққа боришолмади...

Жиноят ишлари бўйича Навбахор туман суди томонидан товланмачиларга тегишли жазо тайинланди.

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Нима учун айримлар фойдаланилган электр ҳўқини ўз вақтида тўлаб қўйишмайди-да, "назоратчиман", деб кириб келган фирибгардан чўчиб, унинг қўлига пул тутқазиб боришди? Оқибатда эса, ўзлари чўв тушиб ўтиришибди.

# Чинор кесган раис

Бугунги кунда сайёрамиз экотизимини асраш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашиш борасида мамлакатимизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Каттақўрғон туманидаги М.Султонов номили ММТП бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келаётган Эшнўйз Мавлонов ва омбор мудири Икром Шодиевларни бундай хайрли ишлар мутлақо қизиқтирмаган кўринадди. Улар ободончилик ишларига бош бўлиш ўрнига, ўз нафслари йўлида йиллар давомида кўкка буй чўзган қўллаб чинор ва бошқа дарахтларни кесиб, сотиб юборишди. Натижада ўсимлик дунёси, давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зарар етказишди.

Маълумки, вилоятимизнинг барча туманларида қўллаб намунавий тилдаги уй-жойлар қуриляпти. Шу жумладан, тумандаги Каттаминг қишлоқ фуқаролар йўғини ҳудудида ҳам ана шундай уй-жойлар қурилиши керак эди. Туман ҳўкимияти вакиллари келиб, уй-жойлар қурилиши учун маъкул ер майдонини қўздан кечирдиш ва ҚФЙ биноси ёнида жойлашган, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган майдонни маъкул топишди-да, Э.Мавлоновга қуриган дарахтларни кесиб, атрофини тозалаш ҳамда қурилиш ишларига тайёрлаш лозимлигини тайинлаб кетишди.

Орадан кунлар ўтди. Э.Мавлонов туман ҳўкимини номига ММТП идораси олдидаги дарахтларнинг қуриган қисминини пахта йўғим-термини учун ҳашарга келган ҳашарчиларга иссиқ овқат пийириш учун ишлаштишга, қолганини ишчи-хизматчиларга иш ҳўқи ҳисобига ҳисоблаб бериш учун руҳсат сўраб, хат билан чиқди. Туман ҳўкимини эса хатни ўрганиб қиқишини туман табиятини муҳофаза қилиш инспекцияси инспектори А.Санакўловга юкледи.

Инспектор айтилган манзилга бориб, қуриган ва

яроқсиз ҳўлга келган 14 дона чинор дарахтини аниқлаб, бу ҳақда далолатнома тузиб, хулосасини туман ҳўкимига тақдим этди. Шу билан 14 дона дарахт кесиб олинди. Аммо, раис Э.Мавлонов ва омбор мудири И.Шодиевлар "Саллани ол деса, каллани оладиганлар" хилидан бўлиб қиқишди. Йўқса, кўкка буй чўзиб, атмосфера тозалигига ҳисса қўшиб келаётган дарахтларни кесишга тушмаган бўлишарди. Орадан бир неча кун ўтиб, қурилиш учун ажратилган ер майдонини ёнидан ўтаётган инспектор А.Санакўлов раис бошчилигидаги бир гуруҳ одамлар чинорларни кесаётганини кўриб қолди ва бу ишлари қўнунга зид эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Бир муддат иш тўхтади, аммо кейин дарахтларни кесиб давом этаверди. Шундан сўнг А.Санакўлов бўлаётган ноқўнуний ишлар юзасидан вилоят табиятнинг муҳофаза қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инспекцияси бошлиғи Ш.Инназаровага телефон орқали хабар берди. Етиб келган қўмита инспекторлари ҳўлатни ўрганишди. Аниқланишича, М.Султонов номили ММТП собиқ идораси атрафидаги жами 82 туп чинор махсус руҳсатнома олинмасдан, қўнунга йилоф равишда кесиб юборилган. Оқибатда ўсимлик дунёси, давлат ва жамият манфаатларига 50 млн. 336 минг сўм миқдорида зарар етказилган.

Ҳа, биров экади, биров кесади, деганлари шу бўлса керак-да! Энди айбдорлар етказилган зарарни қоплайдиган бўлдилар.

Қамолддин ЖАВДАНОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлими АМИБ катта терговчиси

# Фойдаси бурнидан чиқди

Шайхонтоҳур туманидаги кичик ҳалқа йўлида жойлашган "Малика" савдо мажмуаси ёнида турган икки йигит хориж валютасини сотиш ниятида атрофга олазarak божиб, ўзларига мижоз қиларар эдилар. Улар валюта олин-сотасин билан ноқўнуний шугуланиш жиноят эканлигини ҳуаа яхши тушунишар эми, бироқ...

Шерзод ФУЛОМЖОНОВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
катта инспектори

Маълумки, пулфурӯшлик қўнун йўли билан тақиқланган. Департамент органлари ҳодимлари ҳам иқтисодий, айнан миллий валютасини қўнун салбий таъсир кўрсатувчи бундай ноқўнуний фаолият юритувчиларга қарши доимий равишда курашиб келишмоқда.

Хайрулла Нурбеков(исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг яхши

фуқаро К.Абдуллаевага 5 минг евроно 3690 сўмдан, жами 18 млн. 450 минг сўмга сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди. Тинтув вақтида унинг ёнидан бошқа хорижий валюталар ҳам топилди. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди томонидан Х.Нурбековга тегишли жазо тайинланди.



## Тадбиркорга таянчмиз

Бугунги кунда Урганч туманида 851 та тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар томонидан 44421,9 млн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2011 йилга нисбатан 113,1 фоизга ўсиш кузатилади.

Тадбиркорларимизнинг эътироф қилишларича, прокуратура органлари томонидан уларнинг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Дарҳақиқат, туман ҳокимлиги, ДСИ ва тегишли мутасадди идоралар раҳбарлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан қатор учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиб келинмоқда. Бу тадбирлар очик мулоқот шаклида уюштирилиб, тадбиркорларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилмоқда, муаммолар жойида ўрганилиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, ҳар ойнинг учинчи шанбасида "Очик эшиклар куни" ўтказилиб, тадбиркорларга, бу соҳада янги иш бошлаётганларга амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Тадбирларда масъул ташкилотлар раҳбарларининг иштироки ҳам таъминланмоқда.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мавзусида тарғибот тадбирларини ўтказиш юзасидан туман ҳокими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур асосида ўтган йилда 59 та учрашув ўтказилди. Уларда 1639 та тадбиркорлик

субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

Туман прокуратурасида ташкил қилинган "1007" рақамли ишонч телефони орқали тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинаётган ҳолатлар юзасидан келиб тушган мурожаатлар зудлик билан ҳал қилиниб, уларга тегишли тартибда қонуний ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилда ишонч телефонида 17 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилди. Жумладан, 5 нафар тадбиркорга тумандаги тижорат банкларида 275,7 млн. сўмлик кредит ажратилишида амалий ёрдам берилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи О.Агабуллаев ва туман Давлат солиқ инспекцияси назорат тартибидagi ва кичка муддатли текширишларни ташкил

**Умидбек БОБОЖОНОВ,**  
Урганч туман прокурори  
**Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,**  
«Huquq»

этиш шўъбаси бошлиғи Н.Жабборовлар интизомий жавобгарликка тортилди.

2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номлангани муносабати билан туман прокуратураси томонидан Давлат дастури ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, турмуш ободлигини таъминлашда тадбиркорларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Шу боис, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш ҳамда кенгайтиришга амалий ёрдам берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида ҳам тадбиркорларнинг мурожаатлари асосида текширишлар ўтказилди. Хусусан, "Ғалаба" қишлоғидаги "Ganja Vali Shirinliklari"

Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида жамият ҳаётининг барча жаҳасида улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Бугун жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган қонунларимиз ана шу ютуқларимизга дастаб бўлиб хизмат қилаётгани ҳеч бичимизга сир эмас. Қонун устувор ҳола тараққиёт, тартиб ва интизом, ривожланиш бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Зомин туман прокуратураси томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

## Сохтакорлар

Хусусан, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширувда тумандаги ИИБ 4-сонли Ёнги хавфсизлиги бўлинмасида айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, бўлинмада Жиззах вилоят Ички ишлар бошқармаси Ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи томонидан 2012 йил 12 январда тасдиқланган жанговар тайёргарлик режа-жадвалига асосан 50 та ўқув-тактик машғулотлари ўтказилиши керак бўлган. Ана шу машғулотларнинг 36 таси қисм бошлиқлари ва уларнинг муовинлари томонидан ўтказилгани ёнги ўчириш тактикаси бўйича амалий машғулот, 4 таси бошлиқлар ўтказадиган ЁУАТ машғулотлар (тунда), 2 таси гарнизон бошлиқлари ўтказадиган ёнги ўчириш амалий тактик машқлар, 1 таси қисм бошлиқлари томонидан таянч маскани махсус ёнги ўчириш техникаларини ўрганиш бўйича каби режа-жадвалда лавозимлари кўрсатилган ҳолда тақсимланган бўлиб, амалда бу масалага панжа орасидан қаралгани маълум бўлди. Жумладан, 2012 йил давомида Зомин туман 4-сонли ЁХБ томонидан корхона, ташкилот, коллеж, мактаб, боғча, қишлоқ врачлик пунктларида ўтказилган амалий тактик ўқув машғулотларига ёнги ўчириш жанговар автоуловлариде жойларга чиқилиш ҳолати ўрганилганда, 15 та ҳолатда машғулотлар умуман ўтказилмаган, 17 ҳолатда 4 мартаба ўтказилиши лозим бўлган машғулотлар фақатгина 1 мартаба, ўтказилгани аниқланди.

Тумандаги Иттифок қишлоғида жойлашган 12-умумтаълим мактабда режалаштирилган машғулотларга Ёнги ўчириш гуруҳи умуман бормаган бўлса-да, 4-сонли ёнги хавфсизлиги қисм бош-

**Умид КУЛИЕВ,**  
Зомин туман прокурори ёрдамчиси

лиги томонидан сохта маълумотлар асосида расмийлаштирилиб, машғулотлар ҳақиқатда ўтказилганлиги тўғрисида 4-сонли ЁХБ бошлиғига тасдиқлатилган. Натижада 109 минг 688 сўмлик ёқилги маҳсулотлари ҳисобдан чиқарилиб, ўзлаштирилган. Бундай ҳолатлар яна бир неча мактаб ва болалар боғчалари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Охир-оқибат жами 1 млн. 998 минг сўмлик ёқилги маҳсулотлари ҳисобдан чиқарилиб, талон-торож қилинган.

Бундан ташқари, 4-сонли ЁХБ айрим ходимлари 4 кун ўтказилиши лозим бўлган машғулотларни атиги 1 кун ўтказиб, мактаблар, болалар боғчаси, мурувват уйи ва қишлоқ врачлик пунктида жами 1 млн. 464 минг 789 сўмлик ёқилги маҳсулотларини талон-торож қилганлар. Шунингдек, 4-сонли ЁХБ ёнги ўчирувчиси лавозимида ишлаган Б.Ғайбуллаев 2011 йил июнь ойдан ишга умуман келмаган бўлса-да, унга 2013 йилнинг январь ойигача жами 5 млн. 908 минг 560 сўм иш ҳақи, меҳнат таътили, моддий ёрдам пули ва рағбатлантириш пули ҳисобланган ҳамда бу маблағлар Б.Ғайбуллаев ва қисм бошлиғи томонидан ўзлаштирилган.

Аниқланган барча қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Зомин туман ИИБ Ёнги хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, ёнги қисм бошлиғи ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилиб, тергов жараёнида айбдор шахслардан етказилган зарар ундирилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

## Бузилган ҳуқуқлар тикланди

**Раҳимжон ЮНУСОВ,**  
Наманган шаҳар прокурори ўринбосари

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишга интиломоқда. Бу эса — мустакиллигимиз, тўғри йўлдан қатъият билан оғишмай бораётганимиз шарофатимиз.

Бу борада тадбиркор, ишбилармон юрtdошларимизнинг фаолиятини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Шу боис, фаолиятини давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

"Ишонч телефони" мунтазам ишлаб турибди. Унга бўлган мурожаатларни зудлик билан ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, шу жараёнда қонунбузилишларга йўл қўйган 6 нафар солиқ инспектори интизомий жавобгарликка тортилди, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари протест келтириш орқали тикланди.

Шаҳар прокуратураси электр энергиясидан фойдаланишга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказган назорат тадбирларида Наманган шаҳрида электр энергиясидан қарздорлик 2012 йил 1 декабрь ҳолатига 21545,8 млн. (шундан аҳоли хонадонлари бўйича 19770,1 млн., корхоналар бўйича 1775,7 млн.) сўмини ташкил этаётганлиги аниқланиб, корхона назоратчиларидан 44 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Электрдан қонуний фойдаланиб келган 17 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва 2 ҳолатда жиноят иши кўзғатилди. Шунингдек, табиий газдан бўлган қарздорлик кўрсатилган муддатда 84105,1 млн. сўмини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1125,4 млн. сўмга ортиб кетган. 46 нафар шахарга филиали ходимларига интизомий, 120 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши кўзғатилди.

Маълумки, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш иш унвондорлигини ошириш омилларида биринчи. Афсуски, айрим корхона, ташкилот мутасаддилари бу масалага эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Улов интизомини мустаҳкамлашга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар давомида 15 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 5 та жиноят иши кўзғатилди. 2485 нафар фуқарога тўланмай келган 1118,8 млн. сўм қарздорлигини ундириш бўйича Наманган туманлараро судига 7 та даъво ариза киритилди.

Нақд пул тушуми билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳам доимий назоратимизда. Бу борада савдодан тушган нақд пуллари назорат-касса машинасига кирим қилмай, банкка топширмай, уларни банкдан ташқари айланмасини амалга оширган мансабдор шахсларга нисбатан кескин муносабат билдирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя ҳаётимизнинг энг муҳим, долзарб масалаларидан бири. Шу боис, мазкур йўналишда ҳам доимий назорат ўрнатилган бўлиб, соҳага оид текширишларда 17 та протест, 9 та тақдиминома киритилди. 4 та жиноят иши кўзғатилди.

Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун. Демак, биз ҳамиша ана шу йўлда қонунлар ижросини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида изчил фаолият олиб борамиз. Зеро, фаолиятимиз асоси халқимиз фаровонлигини таъминлашга, юртимизнинг янада обод бўлишига эришишга қаратилган.

# Жинорий жазоларни либераллаштиришнинг ахамияти

**Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш йўналишида жинорий жазоларни либераллаштириш масаласига Президентимиз Ислам Каримов томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Чунки, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилиши белгиланди.**

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жинорий ва Жинорий-процессуал кодекслари ҳам собиқ шўролар давридаги жинорий ва жинорий-процессуал қонунларидан тубдан фарқ қилиб, уларда инсон ҳуқуқлари, ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадри-қиммати олий қадрият, деб эътироф этилди. Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида Жинорий кодексига қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Қонун замон талабига мос равишда такомиллаштирилиб, янада ривожлантириб борилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи олтинчи сессиясидаги "Адолат — қонун устуворлигида" номи маърузасида таъкидланган назарий ва амалий йўл-йўриқлардан келиб чиқиб, жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жинорий Кодексига ўзида инсонпарварлик тамойилларини муҳасаммаллаштирган ўзгаришлар киритилди. Жумладан, жинорийларнинг янги таснифи ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ оғир ва ўта оғир жинорийларнинг бир қисми ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинорийлар доирасига киритилди; илгари ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жинорийлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик, деб ҳисобланадиган бўлди.

Жинорий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқарил-

ди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "мол-мулкнинг мусодара қилиниши мустабид тузумнинг қолдиги сифатида шахсни маънан ва руҳан эзишга, камситишга қаратилган эди".

Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қилмишнинг содир этганлар етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги янги қоида киритилди.

Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий соҳада жинорийлар учун, шунингдек, ижтимоий ҳавфи оқибатлари моддий зарар етказишдан иборат бўлган бошқа жинорийлар учун жарима тариқасидаги иқтисодий жазо чораларини қўллаш имконияти кенгайтирилди. Бу эса судларга иқтисодий ва ҳўжалар соҳаларида содир этилган жинорийлар учун жарима тариқасидаги жазони кенгроқ қўллаш имкониятини берди.

Одиллик ва инсонпарварлик гоёси аёлларга ҳамда олтиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланиладиган жазо муддатининг ва турининг ўзгарилишида ҳам ўз аксини топган. Жинорий кодексига мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жинорий кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазоси энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

Қонуни жинорийга оид сиёсатни инсонпарварлик руҳида олиб бориш йўлида муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маъзусидаги маърузаси ушбу соҳада янги босқични бошлаб берди десак, хато бўлмайди. Айни дамда мазкур концепцияда жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу концепция моҳияти билан жинорий қонунчилигини либераллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар янада чўқурлаштирилди. Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тақлиф этилаётган концептуал фикр ва гоёлар жинорий жазо ва жавобгарликни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада чўқурлаштиришга хизмат қилади.

2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан Жинорий кодексининг 41-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг ўзларига хўрсатилган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молли ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молли ташкилотлари ҳодимларини жинорий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Юқорида қайд этилган қонун билан ЖКнинг 79-моддасига киритилган

## ахамияти

Толиб Тўраев,

Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

ўзгаришга мувофиқ, кодекснинг 178-184, 185-185-2, 189-192-моддаларида назарда тутилган жинорийларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатда жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги 345-сонли қонунига асосан Жинорий кодексига киритилган ўзгаришлардан яна бири жинорий деб ҳисобланувчи ижтимоий ҳавфи қилмишлардаги миқдор таркибининг ўзгарилишидир. У бунга мувофиқ, эндиликда анча миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушуниладиган, бундан ташқари, жуда кўп миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар тушуниладиган бўлди.

Шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган жинорий жазоларни либераллаштириш сиёсати инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу борадаги қатор масалаларни ҳал қилиш жинорий жазолар тизимини келгусида изчил ва ҳажон стандартларини ҳисобга олган ҳолда либераллаштиришни талаб қилади.

**Одам савдоси жинорийнинг оқибатларини минималлаштиришда жабрланувчиларга кўрсатиладиган тиббий, руҳий ва ҳуқуқий хизматлар, уларни бошпана билан таъминлаш, таълим-тарбия бериш ва касбга тайёрлаш самарали амалга оширилиши муҳим ўрин тутган. Аксарият ҳолларда жабрдийдаларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун ишни ташкил қилишда юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.**

## Одам савдоси жабрланувчилари уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш

Одам савдоси жинорийдан жабрланганлар жинорий процессида одам савдоси ташкилотчилари ва ижрочиларига қарши кўрсатма беришда ёки қонунчилик муҳожирилик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёж сезадилар. Жабрланувчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни самарали йўлга қўйишда нодавлат ташкилотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи соҳа вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Мамлакатимизда бу борада 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шу билан бирга, бундай жинорийдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Айнан ушбу қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссияларнинг вазифалари ҳамда одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Одам савдосининг олдини олиш, аниқлаш ва оқибатларини минималлаштириш борасида мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб ке-

Шерзод ОБЛОҚУЛОВ,  
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

лимоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реалитация марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг иккинчи бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурига Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реалитация маркази тuzилди.

Одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш шaroитлари, шунингдек, озик-овқат, дори воситалари билан таъминлаш, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатишда кўмаклашиш, қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш, жабрдийдаларни ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш Марказининг асосий вазифалари ва функциялари сифатида белгиланди.

## Имтиёз ва қулайликлар ишбилармонлик муҳитини яхшилайд

Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни лицензияладиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонинг республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишлари таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давом бўлди. Бу билан нафақат кичик бизнес, балки барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тақдим қилинадиган ҳисоботларнинг нафақат сони, балки муддатлари ҳам камайдирилди.

Камбўрт ташқари, молиявий, солиқ, статистик ҳисоботларнинг сони ва уларни тақдим қилиш даврийлиги қисқартирилди. Фаолиятнинг айрим турлари билан шўгулланш учун рўхсат бериш тартиблари ҳамда лицензияладиган фаолият турларига бериладиган лицензия турлари бекор қилинди, айримлари бирлаштирилди.

Солиқ ҳисоботлари энди қандай тартиб ва муддатларда тақдим этилади?  
2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботи, 11 турдаги статистик, шунингдек, 2012 йилнинг 3-чорадаги 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақ-

дим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Куйидаги 8 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан чоракда бир маротаба тақдим этилиши белгиланди:

- ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби;
- ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб маълумотномаси;
- қўшилган қўймақ солиғи ҳисоб-китоби;
- акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби;
- ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисоб-китоби;

- Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлашга қўйилган олинадиган солиқ ҳисоб-китоби.

Куйидаги 4 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан йилда бир маротаба тақдим этилади:

- жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлар расшифровкаси;
- жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари расшифровкаси;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-

Дилшодбек МИРЗАЕВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси катта инспектори

китоби;

— юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби.

2013 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгиланди. Жумладан, фойда солиғи билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадал, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

2013 йил 1 январдан қўшимча фойда солиғидан ташқари барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинди.

Хўлоса ўрнида айтиш жоизки, бундай солиқ имтиёзлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ривожланишига ва фуқароларимизнинг ижтимоий муҳофазаси мустаҳкамланишига хизмат қилади.

# Баркамол авлод — юрт таянчи

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ноқ ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизни соғлом ва баркамол вояга етказишга катта аҳамият берилмоқда. Уларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча зарур шароитлар яратилмоқда. Шунга мос равишда мустақиллик фарзандлари ҳам ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари тизимида бола ҳуқуқлари ўзига хос тарихий ва халқаро-ҳуқуқий тараққиёт йўлини босиб ўтган муҳим соҳа бўлиб, инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталадиган бўлсак, энг аввало, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур конвенция бола ҳуқуқлари бўйича кодификациялашган махсус халқаро ҳужжат бўлиб, бугунги кунда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустахкамлашнинг ҳамда давлатлараро ҳамкорлик муносабатларининг бош ҳуқуқий асосини ташкил этади. Шу билан бирга, конвенция бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиши учун халқаро-ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг 6 та асосий шартномасини ва 70 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларни тан олган. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши эса бола ҳуқуқларига оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизминини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Шунингдек, мамлакатимиз

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт каби ҳужжатларда мустахкамланган нормаларга таянади. Шу билан бирга, БМТнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юриштишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари), БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари) ва БМТнинг бошқа тавсиялари одил судлов соҳасида бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни шакллантириш ва тақомиллаштиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини ички қонунчиликка имплементация қилиш ва бу борада миллий қонунчиликни тақомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилиб, вояга етмаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар ва кенг қўламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий стандартларни имплементация қилиш пухта, тизимли ва доимий жараёнга айланганлигини кўрсатади. Бугун бир қонунчилик тизими халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари талаблари асосида қайта қуриб чиқилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари бўйича 100 дан зиёд қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ва-

зирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди.

Бу борада "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тарихида бола ҳуқуқларига оид биринчи алоҳида қонун бўлди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу қонунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур қонун илк марта бола, бола (болалар), етим, ижтимоий муҳтож, ногирон болалар тушунчаларининг аҳамиятини, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалда жорий қилиш учун зарур шароитларни яратиш бораида давлат сиёсатининг асосларини, давлат органлари ва фуқароларнинг жамоат бирлашмаларининг ваколатлари ва асосий фаолият йўналишларини, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга оид қонуний кафолатларни белгилайди ва бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни назарда тутади.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, бола ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари кодификация қилинишига замин яратишга, иккинчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга миллий қонунчиликнинг мослигини таъминлашга, учинчидан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг ошқоқ ва самарали бўлиши учун бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг аниқ кафолатларини белгилаб олишга имконият яратди.

Бундан ташқари, парламент томонидан 2010 йилда "Вояга етмаганлар ўртасида назорат-

сизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустахкамлади. Яъни ушбу қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган комплекс ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини белгилаб берди.

Бола ҳуқуқлари ва болаликни ҳимоялаш соҳасида махсус узок мuddатли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш давлат ҳуқуқий сиёсатини мустахкамловчи ва мувофиқлаштирувчи омил ҳисобланади. Яъни "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Аёллар ва улаётган авлод соғлигини мустахкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизларнинг соғлигини мустахкамлаш, соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва тарбиялашга оид устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Давлат дастурлари шулар жумласидандир.

Бинобарин, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги Қарори билан тасдиқланган одам савдосига қарши самарали курашни амалга оширишнинг 2008-2010 йилларга мўлжалланган миллий режалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ишга қабул қилинишни энг кичик ёши тўғрисида конвенция ва Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва тезликда уларга барҳам бериш бўйича чоралар қўриш тўғрисида конвенцияни амалга оширишга оид миллий ҳаракат дастури қабул қилинди.

2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Дастур доирасида жисмоний тар-

Фарҳод ПУЛТОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим катта прокурори

бия ва спорт соҳасидаги ишларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш каби масалаларга катта эътибор қаратилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фойдалаштириш имконини берди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон қўшилганидан бундан унинг қоидаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар кейинги йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ноҳукумат ва халқаро ташиқлотлар иштирокида давом этмоқда. Хусусан, 2003 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон болалар фонди билан биргаликда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг шарҳларини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, лотин ёзувида, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ўзбек тилида лотин ва кирилл ёзувида қатъ этиди.

Сўзимиз сўнггида, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари, унинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, жамият ҳаётининг барча жаҳасида уларга керакли шарт-шароитлар яратиш миллий қонунчилигимизда ўз аксини топганлигини гурур ва ифтихор билан айти олаемиз. Зотан, болалар келажакимиз экан, биз уларнинг ҳар бир эзгу ишларига қўмақлашамиз ва уларга қанот бўлаемиз.

## Жиноятнинг илдири қаерда?

### ёхуд тарбиянинг кемтик қирралари

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шarti бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини намойён этмоқда. Қонунарга нисбатан ишонч ва ҳурмат туйғусининг фуқароларимиз оғиндан чуқурроқ жой олиши эса кўп жиҳатдан қонун ижроси устидан прокуратура назоратини кучайтиришга ҳам боғлиқ. Бу борада фуқароларимиз ҳуқуқий онгининг охири охири ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш имконини беради ҳамда ҳуқуқ-тартибот изоралари ҳодимлари фаолиятининг самараларининг оширилади.

Китоб туман прокуратураси томонидан ўтказилаётган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти йил сайин ошиб бормоқда. Улар ўзлари ёзган ариза, шикоят ва муносабатлари билан жойларда рўй бераётган жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшаётганликлари яқини тушунадилар. Бироқ, бундай ўзаро ҳамкорликка қарамай, турли кўринишдаги қонунбузилиши ҳолатларининг мавжудлиги бу борадаги ишларимизни янада кучайтириши тақозо этмоқда.

Қонунлар ижросини назорат этиш юзасидан ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, ўтган йил давомида жами

433 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. Тегишли қарор ва тақдимномалар асосида 188 нафар шахснинг маъмурий ва интимиқий жавобгарликка тортилиши таъминланган. 33 нафар шахсга нисбатан қонунларни қўпол равишда бузганлиги учун жиноят иши қўзғатилиб, 60 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган. Текширувлар ва тергов жараёнида аниқланган 169,8 млн. сўмлик моддий зарар қонунда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинган.

Жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири бекорчиликдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, "бекор касал"лар ёки "бекорхўжа"лар бирон-бир ишнинг бошини тутиш ўрнига беҳуда хаёллар

ортдан қувиб, жиноятга қўл урадилар. Рўй бераётган жиноятларнинг кўплари ҳеч қаерда ишламайдиган ва бирон-бир таълим муассасасида ўқимайдиганлар томонидан содир этилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда эр-хотин, ака-ука, қариндош-уруғлар ўртасида жанжаллар кўпаймоқда. Бундай жанжаллар оқибатида (5 та ҳолатда) турли илдири падалиридан содир этилган. Ачинарли томони, бундай жиноятларнинг аксарияти қариндошлар ўртасида рўй берган. Бунга баъзи мисоллар келтириш мумкин.

#### Паларқуш

Тумандаги Бошқил қишлоғида яшовчи Баҳром Шодмонов отаси билан онасининг ўзаро тортишиб турганини кўриб, падари бузрукворини таёқ билан уриб, ўта шафқатсизларча ўлдирди. Бу оилада меҳр-оқибат қани? Қадимда агар ота уй ичиде ўтирган бўлса, ўғил томга чиқиб, қор курашни одобсизлик, деб билиб, қорни курамас экан. Шодмоновлар оиласидаги фожиадан кўринадики, ўғилга хал-

Ахтам НАВРҲУЗОВ,  
Китоб туман прокурори

қимизнинг азалий кадриятлари яқини тушутирилмаган. Бола бир ёқлама, шошилинч қарор қабул қилишга ўргатилган. Уша ҳолатда фарзанд ороқ бўлса-да, мулоҳаза қилиб кўрганда, қотиллик рўй бермаган бўларди, албатта. Падаркуш суд ҳукми билан 15 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилди. Масалга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, жиноят илдири яққол қўзга ташланади.

#### Жаҳолат

Маърифат инсонни улуғлайди ва юксалтиради. Жаҳолат эса уни тубанлик томон етаклайди. Тубанликда инсонни жиноятга ундовчи унсурлар кўп. Маърифатдан йироқ бўлган кишилар ҳаётни, одамгарчиликни, инсонпарварликни нотўғри тушунадилар. Бунини Бешқозоқ қишлоғида яшаган Сарвар Бобоев мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг асосий "қасбу қори" умр йўлдошини қийнаш эди.

/Давоми 10-бетда/



## «Тилла»га ишқи тушган «тадбиркорлар»

Истиклолимиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий қадриятларимиздан бири — тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда давлат ва жамият ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзига хос ўринга эга. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳага катта эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Республикамизнинг узоқ Томди туманида истиқомат қилаётган аҳолининг маълум қатлами ҳам бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига яратилиб берилаётган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини олиб боришмоқда.

Хусусан, туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган 180 та, шундан 133 та юридик ва 47 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мунтазам равишда прокурорлик назорат тадбирлари олиб борилмоқда ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси доимий назоратга олинган.

"Гуруч қурмакисиз бўлмайди", — деганларидек туманининг "Аяққудук" ширкат ҳўжамалида яшовчи, ҳеч қандай ишламайдиган фуқаролар Артур Мирзаев, Айбек Мирзаев, Азамат Оразов ҳамда Жайнарбек Қарамановлар ҳам тадбиркорлик қилмоқчи бўлиши ва бунинг ўзига хос, антиқа йўлини топшиди. Яъни ҳудуддаги тоғ этакларидан таркибиде тилла қами бор тошларни қазиб олиб, майдалаб сотиш пайига тушишди.

2012 йилнинг 9 декабрида Артур

жиноий шериклари билан Томди туманининг "Аяққудук" ширкат ҳўжамали ҳудудида жойлашган тоғ тизмаси қир-адирга келиб, ишга киришди. Аммо ҳўқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир туфайли уларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйилди. Шунингдек, улардан қумларни қазиб олиш учун олиб келинган ёрдамчи воситалар ҳолисла ишгирокда ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни талабларига зид равишда ноқонуний йўл тутган "тадбиркор"ларнинг қилмишлари қўриб чиқилди ва уларнинг чин қўйилган пушаймонлиги, айбига иқроғлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиниб, ЖКнинг 57-моддаси қўллаган ҳолда ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари, яъни 2 млн. 387 минг 700 сўм миқдориде жарима жазоси тайинланди.

Бу қаби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман прокуратураси томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тадбиркорликка оид қонулар ижроси билан боғлиқ профилактик тадбирлар қучайтирилган ва аҳолида бу борада ҳудуддаги мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорликда амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

## Юракка санчилган ўк



Ойдин кеча эди. Сукунат бағрини тўсатдан қарсиллаган ўк товуши тилиб ўтди. Кимдир ҳавотирланиб, деразадан кўчага қаради. Кимдир тўйда осмонга мушак отишди, шекилли, деган ҳаёлга борган бўлса, яна кимдир қўшни видеосининг овозини бунча баландлатиб қўймаса, дея ичида гижиниб қўйди. Ордан ўн дақиқача ўтиб тагин қарсиллаб ўк узилди. Шарифжон (исм-фамилиялар ўзгаририлди) телевизорда футбол қўриб ўтирган эди. Биров дераза ойнасини тақиллатди. Караса, қўшнингнинг ўғли. Йилгасираб: "Дадам отиб қўйди, дадам отиб қўйди", дея битта жумлани такрорляпти. У шоша-пиша кўчага чикди. Боланинг ортидан югурди. Иккита-учта ховли нарида, кўчада аёл қалқанга ётибди. Усти-боши қонга беланган. Унинг ёнига чўккалаган эри аланамалар деяпти. Шарифжон дарров қўшниси Амриллони чақирди. Унинг "Нексия" машинасида эру хотинни Қувасой шаҳар касалхонасига олиб боришди. Афсуски, аёлнинг жони узилганди. Кейинчалик, суд-тиббёт экспертиза хулосасида кўрсатилганидек, ов милтигидан узилган сочма ўқнинг бир неча донаси юрагига санчилган

Тўхтаҳон ўша жойнинг ўзиде ҳаётдан кўз юмган эди.

Ов милтигидан сочма ўк узиб аввалига ўғлининг билак, сон мушакларини қонатган, сўнгра хотинини отиб ўлдириб қўйган Арсиф қишлоғилик Абдукарим Ҳомиддинов ҳўбсга олинди. Дастрлабқи терговда у айбига иқроғ бўлди. Рашқ қўлиб, уриш-жанжал чиқараверган хотинини мастлигиде отиб қўйганини тан олди.

Дарвоқе, қирқ ёшга кирган қирчиллама йигитнинг топиш-тутиши ёмон эмас, «темир оти» — тракториде фермерларнинг юмушларини бажариб бериш эвазига олаётган иш ҳақини рўзғоридан орттириб, машафат қарфлаш одат тусига кириб бормоқда эди. Ешлигиде яхши қўриб уйланган, дуч келган аёлга рашқ қилаверишидан ҳуноб бўлиб, тунни қасдма-қасдига енгилтабиат аёллар билан ўтказиб, тонг саҳар қайтганида бугун маҳаллани бошига кўтаргудай бўлиб жанжални бошлайдиган Тўхтаҳонни тўхтатиш амру маҳол эди.

— Овга бордик ўртоқлар билан...

— Қанақа ов? Милтиқ уйда қолиб, ўрдақ ўрнига хотин овладингларми? Биладан, қанақа "ов"га борганизи, топмай

қўймаман ер югурни, топиб сочларини битта-битта юладман!

Илгарилари, тўғри юриб, тўғри турганида, Абдукарим унақамас, бунақа, тўхмат қилмагин, дея ўзини оқламақчи бўлар, емаган сочмасига пул тўлаётгани учун жони халқумига келиб, қўлига эрк берарди. Қасдма-қасдига "юра бошлагач", ўзга ёр кўнглини овлаганини хотини билиб қолиб тергайтими ёки тўхмат қилаятими, бор-э дея қўл силташга, қулиб енгилга одатланди. Тутаб-тутаб, жавраб-жавраб, ўзидан ўзи тинчигунча арқонни узун ташлаб қўядиган бўлди. Бирок, мастлигиде жағи очилса, ўзини тўхтада олмас, тасура-тасура ура бошлаганида тинмай бидирлаётган хотини кўчага қочиб, жон сақларди.

Агар ўша кунни трактори дала четида ўчиб қолиб иш кўрсатмаганида, иши чала қолган фермер билан ади-бади айтишиб қолмаганида, қўшни туман маркази — Қувага бориб эҳтиёт қисмини топа олмай, ҳуноб бўлиб, юзта-юзта отиб олмаганида, бир ойча аввал танишган бева аёл уйига киритмай, дилини баттар хира қилмаганида, устига-устак хотини эски «ашула»-сини бошлаб, жонини ҳижилдоғига келтирмаганида, эҳтимол фожеа эз бермасмиди? Бирок, нафсиламб-рини айтганда, ушбу фожеа тасодиф эмас, Абдукаримнинг дилидаги муҳаббат чўғи аллақачон сўниб, унинг ўрнида нафрат тикони нишлаганде эди. Бир кун эмас, бир кунни ушбу тикон захри бутун бир оиланинг ҳаётини захарлаши мўқаррар бўлиб бормоқда эди.

Куз, ҳовлига саргайган яп-

роқлар тўшала бошлаганди. Кечгача эҳтиёт қисм тополмасдан юргиза олмаган трактори дала бошида қолди. Кечкурун ховлига кириб келганида, оғзидан гупиллаб ароқ иси таралмоқда эди. Овқатланиб бўлиб, хотини дастурхонни йиғиштираётганида Салтанатхонга телефон қилди. "Бугун бўмади, эртага бўлдирайлик", деб қулди. "Ёки хозир қайтиб борайми?"

— Болаларни юзини очмасдан, ховлига чиқиб гаплашинг ер юткур билан!

Тўхтаҳон эрини қарғашга тушди. Абдукарим сўкинди. Ўн беш ва ўн уч ёшга кирган ўғилларининг дили вайрон, кимнинг тарафини олишни, жанжални қандай қилиб тўхтатишни билишмасди. Олти яшар қизчаси пикиллаб йиғлашга тушди. Абдукарим ургани югурганида Тўхтаҳон кўчага қочди. У ўн олти қалибрили ов милтигини ва ўқдонини қидириб топди. Қўл телефониде хотинининг синглиси билан гаплашди. "Опанг кўчама кўча юрипти, топиб отиб ташлайман", деб телефонини ўчириб қўйди. Махфиратхоннинг ўзи кўнғирок қилганида опасини кичик ўғли, жиғини Абдуқодир жавоб берди. "Дадам маст, аям билан уришиб кўчага ҳайдади, ўзиям милтиқ билан кўчага чикиб кетди. Ана осмонга отди, шекилли..." деди.

— Қўшнилари чакиринглар, бир амаллаб милтигини олиб қўйишин,— дея жиғинга ўқтирган Махфиратхон тинчиб қолишар, деган ҳаёлда жанжалнинг устига чопиб бормади, ётиб ухлаб қолди.

Отасининг ортидан қичқан тўнғич ўғил Абдураҳим "Дада, уйга кириб, милтиқини жойига

Инсон ҳаёти лавомида ўзгаларга қанчалик кўп яхшилиқ қилса, у жамиятга, одамлар орасида обрў-эътибор қозониб, юксак ҳўрматга сазовор бўлади. Аксинча, ўмири бино бўлиб, бирор марта ҳам эзгу ишларга қўл урмай, на жамиятга, на одамларга нафи тегмаса, бу дунёда ўз ўрнини топа олмай, турли нопок айланга кириб кетаверади. Чунки, бундай инсонни ҳаётга ҳеч ким ўзига дўст туттиси келмайди.

## Ишонч ортидаги фирибгарлик

Расулжон Мухторов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳам инстинтутни тамомлаб, олий маълумотли ҳуқуқшунос мутахассислигига эга бўлди. У билимини яхши ишларга сарфлаш ўрнига жиноят кўчасини танлаб, фирибгарлик йўли билан пул топишни ўзига касб қилди. Р.Мухторов аввал ҳам уч мартаба судланиб, қилмишига яраша жазо олган бўлсада, бундан тегишли хулоса чиқариб олишни хоҳламади шекилли, тўртинчи бор, яна панжара ортидан жой олди.

Газетада чоп этилган рекламаларни ўқиб ўтирган Расулжоннинг эътиборини Жигули сотиш ҳақидаги эълон ўзига тортиди. У автомашина эгаси Анвар Мирзаевнинг телефон рақамига дарров қўнғирок қилиб, учрашиб, гаплашиб олишга келишиди. Сотувчи ва харидор салом-алиқдан кейин савдони пиширишга киришиди.

— Ака жигулингизга харидор топиб, сотиб бераман. Фақат сиз менга ижарага Нексия олиб берасиз, — деди Р.Мухторов.

Харидорнинг гап-сўзлари, данганлиги А.Мирзаевга маъқул келди.

— Майли, фақат ўзингизда қанча пул бор, — деди машина эгаси.

— Ўзимда 3 минг АҚШ доллари бор, сиз 7 минг қўшсангиз, бир йил ичида пуллингизни 10 минг қилиб қайтараман, — деди Р.Мухторов.

Хуллас, фирибгарнинг дастлабки режаси амалга ошди. Ўртада сотиб олинган машинанинг пули келишувга асосан бир йилда эгасига қайтарилди. Шу би-

Иззатилла БОЗОРОВ,  
Сергели туман прокурори ўринбосари

лан А.Мирзаевнинг ишончи оқланди.

Эндиги вазифа эса, қармоқча илинган "ўлжа"нинг пулларини ўзлаштириш эди. Дастрлаб, 2008 йилнинг 10 декабрида Р.Мухторов эски танишидан яна машина олиш эвазига 12 минг АҚШ доллари олади. Бирок, бу сафар пул машина харидига сарфланмайди, келишилган муддатда эгасига ҳам қайтарилмай, ишлатиб юборилади. Пулларини ҳадеб сўрайверган А.Мирзаевга навбатдаги фирибгарлик режаси ишлатилади.

— Ака пулингизни, албатта, қайтараман, фақат ҳозир эгизина пулдан қоқилиб қолдим, — дея, гапини давом этиради Р.Мухторов. — Сиз менга яна 10 минг қўйдан ёрдам бериб туринг, бир йилда ҳаммасини фоизи билан қайтариб бераман.

Бу сафар ҳам унинг режаси панд бермади. Эски танишининг гапларига ишонган А.Мирзаев 2009 йилнинг февраль ойлариде яна 10 минг АҚШ долларини Р.Мухторовнинг қўлига тутқазиб юбордию, бу пулларини бошқа қўрмади.

Фирибгарнинг ваъдаларини эшитавериб, пулинг дарганини қутишдан чарчана А.Мирзаев тегишли жойга хабар қилишдан бошқа илож топа олмади.

Суриштирув жараёнида Р.Мухторовнинг айби далиллар билан исботланди. Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди фирибгарнинг қилмишига яраша ҳўкм чиқариб, жазо тайинланди.

Шўҳрат МУСАЕВ,  
Фаргона вилоят прокуратураси  
АМИБ катта терговчиси  
Исроил ИБРОХИМОВ,  
«Huquq»

қўйинг", деди. "Қайт орқангга!", дея Абдукарим ўғлига милтиқ ўқталди. Бола ортига ўғирилар-ўғирилмас тепкини босди.

"Ай." Ўғлининг чинқирғини эшитган Тўхтаҳон яширинган жойидан югуриб чикди. Ховлига кириб келган онасига Абдураҳим "Анави жинни отган ўк оркамга тегди", деди. Боласи яраланган онанинг юрагиде қўрқувдан асар ҳам қолмади. Кўчага югурди, милтиқ ўқталди келбаётган эрининг устига тикка бостириб борди. "Боламни ўлдириб қўяёдингиз-у, ҳайвон!"

— Учир овозингиз, — дея Абдукарим бир қадм нарида ҳайвондан олиб, ҳайвонга солаётган хотинининг қўксига қарата ўк узди. Хотини қалқанга йиқилгач, унинг ёнига чўккалади. Сўнгра ўрнидан турди, милтиқнинг оғзини ўзининг қўксига тираб, оёғининг бошмалдоғиде тепкини босди. Тепкини босаётганида милтиқ сирғилиб кетиб, ўк бикинини ялаб ўтди.

"Бу қунигдан ўлганинг яхши эди", деди ўзига ўзи суд мажлисида айбига иқроғ бўлиб Абдукарим жойига ўтираётган. Ҳазабини жиловлаб олмасдан, бирин-кетин икки марта ўк узиб, хотинини ўлдиршидан ташқари тўнғич ўғлига енгил тан жароҳати етказган, ўн етти йиллик рўзгорини хонавайрон, фарзандларини етим қилиб қўйган судланувчига узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

# Хавфсизликни таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятининг ўрни

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил, тизимли ва бошқича-бошқич ислохотлар амалга оширишда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.**

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув асрида, замонавий инновацион ахборот-технологияларнинг, шунингдек, бошқа техника ва технологияларнинг ўта тез суръатда ривожланиши ва тақомиллаштирилиши билан бир қаторда, давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи наркотрафик, қурол-яроғ ва одам савдоси, коррупция, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризм каби трансмильий кўринишдаги хавфли уюшган жиноятчилик ортби бораётгани кўзга яққол ташланмоқда. Бундай таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши самарали кураш олиб бориш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳар қайси давлат зарур чораларни кўради. Бунда тезкор-қидирув фаолияти давлат томонидан қонунийлаштирилган махсус чораларнинг энг таъсирчан ва самарали эканлигини, унинг тарихий ўтмишдаги ва ҳозирги замондаги салмоқли натижалари билан тасдиқланади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тезкор-қидирув фаолиятининг вазифа ва мақсадлари белгилаб, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди. Қонуннинг муҳим ва устувор вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фож этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ва топшириш.

Тезкор-қидирув фаолиятининг назарияси соҳасидаги олим ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари, бу соҳанинг кўп йиллик тарихини ўрганиш ва изланиш натижалари юзасидан ёзилган дарслик ва бошқа илмий адабиётларда, "тезкор-қидирув фаолияти — ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида махсус тури сифатида давлат томонидан қонунийлаштирилган, ушбу фаолият билан шуғулланиш чекланган махсус субъектларга рухсат берилган ва ўзининг фаолиятини амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда давлат органларининг назорати остида амалга ошириладиган махсус фаолияти" деб умум-

ий тушунтиришлар берилган.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа фаолиятлардан фарқловчи хусусиятларидан бири, бу унинг махфий қидирув характери-дир. Бундай хусусият, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракатлари ниқобланган ва яширин тарзда олиб борилиши ҳамда олдиндан пухта тайёргарлик кўрилиши, ўта хавфли жиноий ҳулқ-атвори, ижтимоий хавфли қилмишларининг изларини йўқотиши, жиноятга тайёргарлик кўраётган жиноят содир этаётган ёки жиноят содир этган шахслар тўғрисида маълумотлар олиш зарурлиги, номаълум ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни излаш ва жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олишга йўналтирилганлигида ифода-ланади.

Ўзининг алоҳида хусусиятига кўра, тезкор-қидирув фаолияти, номаълум шароитда содир этилган жиноятлар, яширинган шахсларни қидириш, жиноий фаолиятнинг ҳолат ва аломатлари ҳамда уларнинг субъектлари тўғрисида маълумотлар йиғишга қаратилган.

Мазкур қонуннинг яна бир фарқловчи жиҳати, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ошқора ва ношқора усуллардан фойдаланишидир. Ношқора деганда, бу тезкор-қидирув тадбирларни ишга дахлдор бўлмаган шахслардан ва энг аввало жиноят содир этишда гумон қилинаётган объектлардан номаълум ва яширин тарзда ўтказишдир. Бундай усулни қўллашда тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишга дахлдор бўлмаган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тадбирларнинг самардорлигини ошириш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган объектлардан маълумотлар олиш, шунингдек, ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлар ҳамда қўлланилган усул ва вазиталар сир сақланишига эришилади.

Ошқора ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирнинг моҳияти ва мақсади бошқа шахслардан, шу жумладан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслардан яширилмайди.

Мазкур қонунда махфийлик асосида қўмақлаш истагани билдирган шахслар билан

пулли ёки бепул ҳамкорлик ўрнатишга ҳуқуқий асослар берилган. Эндиликда ҳуқуқ-бузарликларга беварқ бўлмаган шахслар, ўларнинг фуқаролик бурчини адо этиш юзасидан қонун билан берилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланиб, ўзларига маълум бўлган жиноятлар ёки уларни содир этган шахслар тўғрисида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга бир мартаба хабар бериш билан ёки доимий тарзда қўмақлаш имкониятига эга. Уларнинг бундай фаолияти, шунингдек, ўзлари ҳам давлатнинг ҳимояси остида бўлади. Бундай ҳамкорлик ҳар иккала томон манфаати асосида ўрнатилади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳам тезкор-қидирув фаолиятининг субъекти этиб белги-ланди.

Департамент органлари зиммасига юклатилган молия-иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳасидаги жиноятларни, коррупция ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларини, хуфиёна иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари аниқлаш ва фож этиш каби устувор вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддаси ҳамда идоравий қонуности ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг буйруқлари билан тасдиқланган Қўлланма ва Йўриқномалар асосида унга тезкор-қидирув чораларини кўриш ваколати берилган.

Ҳозирда тезкор-қидирувни амалга оширишга ваколатли органларнинг фаолияти Жиноят-процессуал, Жиноят-иҷроия кодекслари, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуннинг айрим моддалари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органларнинг идоравий қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тезкор-қидирув фаолиятига умумий нормалар белгиланган бўлиб, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш механизми ва тартиби тизимли равишда белгиланмаган. Бу эса жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида айрим муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммоларнинг жумласига махсус тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, уларнинг ўтказиш асослари ва тартиби белгиланмаганиги, тезкор-қидирув тадбирлари натижа-сида олинган материаллар асосида жиноят иши кўзга-тиш, уларни иш бўйича далиллар сифатида эътироф

этиш каби масалалар норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солилмаганигини таъкидлаш лозим.

Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг мақсади ниқобланган жиноятларни, жиноий фаолиятнинг ҳолат ҳамда аломатларини ва уларнинг субъектларини аниқлашга қаратилганлигидир. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ҳуқуқшун-олим И.Н.Соловьевнинг илмий тадқиқотларига кўра, иқтисодиёт ва молиявий-валюта соҳасидаги жиноятлар, коррупция, порахўрлик ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларининг аксарияти тезкор-қидирув йўллари билан фож этилмоқда. Шунингдек, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари ва жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларини кўпгина ҳолларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали олдини олиш ва фож этиш мумкин.

Ҳозирги вақтда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш тезкор-қидирув тадбирларининг ва тергов ҳаракатларининг уйғунлигида ҳамда узвий ҳамкорлигида олиб бориш мақсадга мувофиқ ва фақат шу ҳолда ўз самарасини бериши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт соҳасида ниқобланган, уюшган ва хуфиёна тарзда содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишлар, уларни содир этаётган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва фож этиш фақат таъсирчан ношқора тезкор-қидирув тадбирлар орқали муваффақиятга эришиш мумкин. Бунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг шахсий ва оилавий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёшизмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланишига доир конституциявий ҳуқуқлари таъминланиши шарт.

Жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятининг афзаллиги яна қайси жиҳатлари билан ифода-ланади? Шунини айтиб ўтиш керакки, жиноятга тайёргарлик кўраётган ёки жиноят содир этган шахс энг аввало, ўзининг гайриқонуний ҳаракатларини ниқоблаган ҳолда хуфиёна тарзда содир этади.

Барчага маълумки, солиқ соҳасидаги жиноятларни содир этишга қўл урган шахслар солиқ тўлашдан қочиш мақсадида турли хил ноқонуний механизм ва схемалар ишлаб чиқадилар ва уларнинг жорий этиш усулларини сир сақлайди. Валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, жумладан, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, чет

Шўҳрат АБАҚУЛОВ,  
СВОЖДЛКК департаментининг  
катта криминалисти

эл валютасини яшириш каби жиноятлар ҳам яширин тарзда содир этилаётганлиги боис, бундай жиноятларнинг аксарияти фақат тезкор-қидирув йўллари билан аниқланади ва фож этилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини яна бир муҳим вазифаларидан бири, жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлашдир. Амалиёт шунини кўрсатадики, жиноий фаолият билан шуғулланаётган шахслар ноқонуний йўл билан қўлга киритилган моддий бойликларини ўзларига қарашли ва ишонарли таниш-билиш ёхуд қариндошларининг хонадонларида ёки фақат ўзлари билладиган бошқа жойларда яширадилар ва бунини ўзга шахслардан сир сақлайдилар. Кўпгина бундай манзилларни фақат суриштирув ёхуд тергов ҳаракатлари орқали аниқлаш мумкин. Шу туфайли улар ҳам тезкор-қидирув тадбирлар ўтказиш орқали аниқланиб, етказилган зарарнинг қопланиши таъминланади.

Фикримизча, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, жиноятларнинг профилактикаси соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қонуннинг 2013 йил 25 декабрда кучга кириши назарда тутилган. Бунинг асосий сабаби, янги қонуннинг вазифа ва мақсадлари ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш, амалдаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қонунга мувофиқлаштириш, унинг асосида идоравий қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқиш ёки амалдагиларини қайта кўриб ва ушбу қонунга зид бўлганларни бекор қилишдир.

Дуло. Хуқуқ қилиб айтганда, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун том маънода юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш, қонун устуворлигини ва ҳуқуқ-тартибни, шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонун асосида ишлаб чиқиладиган қонуности ҳужжатлари, шунингдек, қонунни қўллаш механизми-ларининг мазмун-маъносини тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг барча тоифадаги ходимлари томонидан тўлиқ ва муфассал ўрганиб ўзлаштириш, англаб олиш, уларга аниқ риоя этиш ва уларнинг талабларини оғишмай бажариш галдаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



# Олтин васвасаси

Одамнинг олмаси ичнда, де-йишади. Баъзи бир кимсалар ташқи тарафдан бинойидек, ҳамма қатори инсондек кўринади. Аммо уларнинг қилмиши, ҳаёт тарзини эшитиб ёқа ушлайсан киши...

Сабина Тилавова (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ўттиз ёшдан ошган, афсуски, оилавий ҳаёти биров ўхшамай, турмушидан ажрашган. Унинг ҳам-товоғи Хуршид Суяров эса оилали, у нафар фарзанднинг отаси.

Аслида ҳаммаси Сабина ва Хуршиднинг қинғирлик билан тузган оилавий иттифоқидан бошланган эди. Улар таниш-гандан сўнг, норасмий тарзда эр-хотин бўлиб яшаб юришди. Турли ишларда ўзини синаб юрган Сабина аввалдан макр-хийланинг энг тубан ўйинларини ёд олганлардан эди. Тилбғламалик билан каерда бўлса таниш орттириб юриадиган бу аёл дугоналарини ҳам тап тортмай "тушириб кетарди". Шундай найрағларидан бирини у тикувчи дугонаси Камолага ва унинг таниши Шоҳидага қўлаб қўрди.

— Дугонажон, шу десанг, қяинда шаҳардаги бир дугонам ўлганга тўй қилаётган эди. Шаҳарликлар уст-бошинг так-қан тиллангга қарайди. Мана шу занжиринг билан узугинг нин вақтинча "ижара"га бериб тур! Шоҳида, сиз ҳам қараш-воринг, чиройли узукчаларингизни бир кўнга тақиб келай, — деди у дугоналарига ҳазил-хузул аралаш.

Унинг бу тилбғламалиги дугоналарини ҳам эритди ше-

килли, улар ўз қўллари билан тиллаларини Сабинага тутқа-зиб юборишди. Сабина эса тил-лаларни олди-ю шу билан қорасиниям кўрсатмай кетди. Жами 2 млн. 50 минг сўмлик тилла буюмларидан айрилган-лар фирибгарлик қурбони бўлишганини кеч англашди. Сабина аллақачон қўлга кирит-ган буюмларни сотиб, пулини ҳам жигилдонидан ўтказиб бўлганди. Тайинли турар жойи, бирор касб-кори бўлмаган бу аёл Самарқанд шаҳрида яшовчи Хосият Жабборованинг уйи-дан бошлана топти.

— Опа, эрим ургутлик, у киши ишларини ўнглаб кел-гунича сизникида ижарада яшаб турсам, — дея аврашга тушди у. Хосият опа ҳам унинг гапларига, бинойидек кўрини-шига қараб рози бўлганини билмай қолди. Бунинг устига кекса аёл учун уй юмушларига қарашиб турадиган одамнинг бўлгани маъқул. Бу орада Хур-шид ҳам Сабинанинг олдига келиб-кетиб Хосият опанинг анча ишончини қозонди. Бу кимсаларнинг келажақда содир этакдиган қилмиши бечора аёл-нинг тушига ҳам қирамаганди.

Кўнларнинг бирини Сабина ва Хуршид қўнғироқлашиб уч-рашув уюштиришди. Бу пайт-да Хосият опанинг кизи фар-занди бўлиб, у туркунонага қатнаб юрган эди. Узи учун беиминнат ёрдамчига айланган Сабина ана шу кўнларда унга роса керак бўлди. Хосият опа Хуршид билан кўришиб турган Сабинага қўнғироқ қилиб, до-

рихонага бориб келишни ил-тимос қилди. Сабина Хуршид билан етаклашиб туркунонага борди ва опадан пулни олиб, дориларни олиб келиб берди. Кейин эса бозорга тушиб, у-бу харид қилишди ва меҳмонхо-нага бориб ўша ерда бир оқшом тунашди. Ўша тунда Хуршид Сабинага Россияга ишга кет-моқчи эканлигини, пул керак-лигини айтди.

— Опангдан қарз сўраб тур-санг бўлмайдимми? — деди у.

— Унда хозир пул йўқ, ме-нимча, — жавоб берди Сабина.

— Пули бўлмаса тиллалари бордир, — деди Хуршид.

— Бор бўлганда қандок, — Сабинанинг қўзлари айёрона қақнаб кетди.

Тубанлик бобиди бир-бири-га мос тушган бу иккала кимса ўша тунда иблисона режа ту-зишди. Эртаси кун машъум режани амалга ошириш учун дорихонадан икки ампула "ди-медрол" сотиб олишди. Қизин-нинг олдиндан кетолмаган Хо-сият опа эрталабдан Хуршид билан Сабинани яна туркуно-нада кўриб хурсанд бўлди. Ахир улардан хабар олиб туришган-ни, озгина бўлсаям югур-югур-ларга ёрдами тегаётгани учун Сабинадан миннатдор эди...

Уйга етиб келишгач, Сабина дастурхон ёзиб, чай дамлаб қўйди. Кейин эса пастандан сут олиб чиқиб пиширди. Бу ора-да Хуршид ҳам унга ёрдам бе-раётган киши бўлиб оваткага уйнай бошлади. Косага сут со-лингач, бир-бирига имо-ишо-

**Бобур КАМОЛОВ,**  
Бош прокуратура  
бошқарма бошлиғи ўринбосари

ра қилиб, аста ампулани сутга аралаштириб юборишди. Ди-ванда ётган Хосият опа буни сезмади ва Сабина узатган сут-ни симириб ичди. Бу орада Са-бина уйларни чанготиқ билан тозалай бошлади. Бироздан кейин Хосият опанинг илтимо-си билан унинг қизига овкат бериб келди. Келганида Хур-шид мусиқани банд қўйиб олиб ошхонада куймаланди. Сабина унинг ёнига келиб, "Нима гап?", дея имо қилди. Хуршид унга жавобан тиллалар сервантдаги идиш ичда экан-лигини пичирлади. Уй эгаси эса улар кутнадек ухлай демас-ди. Биргалашиб Хуршид тайёр-лаган овқатни ейишгач, Хо-сият опа озгина дам олмоқчи эканлигини айтди.

— Бемалол ётаверинг, опа, ўзим ҳамма ишни тугатиб қўяман, — деди Сабина тилб-ғламалик билан. Унга ёстиқ ва одеял узатиб меҳрибонлик қилган бўлди. Хуршид аёлнинг ухлашини сабрсизлик билан кута бошлади. Дори таъсири-дами ёки бошқа сабаб тубай-лими, ҳарқалай Хосият опанинг дам агардрилиб, дам қимирла-ши унинг асабини буза бош-лади. Ошхонадаги темир круж-кани олиб аёлнинг юзига зарб билан туширди. Дабдурустан тушган зарба аёлнинг ҳўшини учирди ва чинқириб юборди. Унинг қаршилиқ кўрсатиши

Хуршидни баттар ёввойилаш-тирди, ёрдамга келган Сабина чаққонлик билан аёлнинг бўйнидан бўғди. Икковлашиб бекани ҳўшидан кетказишди. Хуршид олдиндан тайёрлаб қўйган чанготиқнинг сими билан Хосият опанинг қўл-ёқларини қайириб боғлади. Кейин эса шафқатсизлик билан унинг бўйнидан бўғди. Азобдан типирчилаётган аёл-нинг оғзи-бурнини Сабина узатган сочқ билан боғлаб ташлади. Шу тахлит инсон зо-тига хос бўлмаган бир ваҳ-шийлик билан арзиманган бой-лик учун бир инсоннинг умрига зомин бўлишди.

Шундан сўнг уйдаги бор тилла тақинчоқларни, қиммат-бахо нарсаларни, умумий ҳисобда 17 млн. 340 минг сўмлик буюмларни олиб чи-қиб кетишди. Катта ўлка суру-ри уларнинг иблисона иста-кларини урчиб юборди. Тил-лаларнинг бир қисмини тил-ла буюмлар савдоси дўкони-га сотиб, Тошкент шаҳрига қараб йўл олишди. У эрга бори-б бозордан истаган кийим-ларини харид қилишди. Кей-ин эса бу ерлардан узокка қочиб, гўёки кирдиқорларни-нинг изини йўқотадигандек Россияга кетишининг йўлини ахтара бошлашди. Аммо улар ўйлагандек шаҳар бедарвоза, дунё сўроқсиз эмас экан. Ҳар бир қилмишининг жавоби бўлгандек, вақтида қўлга олинган бу жиноятчилар бар-ча жиноий қилмишлари ва ваҳ-шийликлари учун қонун олди-да жавобгарликка тортилди.

Суд ҳукми билан Сабина Тилавова 15 йил, Хуршид Суя-ров эса 18 йилга 6 ой озоқлик-дан маҳрум этилди.

## «Ишбилармон» қудалар

Қирақшлик ортидан рўзгор тебратиб юрган Нурилло Одилов (исм-фами-лиялар ўзгартрилган) мўмай пул то-пиш васвасасига тушиб қолди.

"Ҳаммаси автомашинамга мижоз сифатида чиққан аёлнинг таклифидан кейин бошланди", дейди у. Ўша кунни Н.Одилов ўзини Назокат деб таништи-рган аёлни шаҳарнинг бир неча жойига олиб борди. Аёлнинг гап-сўзи, ўзини ту-тиши, борган жойидан даста-даста пул билан чиқиси унинг эътиборини тор-ти. Назокатнинг ўзи гап очиб қолди: "Ароқ ишлаб чиқарувчиларга керакли молларни етказиб тураман. Бугун ўша товарлар пулини йиғиб оладиган куним. Агар шароитингиз бўлса, сиз ҳам шу бизнесга қиринг, ҳам бўлмайсиз. Ароқ, мен сизга айтсам, ҳали-бери ўлмайдиган бизнес. Яширинг чех ишини йўлга қўйиб олсангиз, қира қилиб юришингиз-га ҳам ҳожаат қолмайди".

"Бир камим харом пулни деб, уйим-да яширинг чех очилсин қолувди", — дея Н.Одиловнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бироқ Назокат қўлбола ароқ ишлаб чиқаришдан қанча даромад кўриш мум-кинлигини, маҳсулот бўлса, сотиш му-аммо эмаслигини айтгач, Н.Одиловнинг қизиқиши орта бошлади.

Уйлаб кўрсам, буни амалга ошириш мумкин экан, — дейди Н.Одилов судда. — Қудамнинг дўкони бор. Мен қўлбола ароқ тайёрлайман, қудам сотиб беради. Икковимиз ҳам мўмай даромад оламиз. Буни ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган эканман..."

— Лекин бунинг учун асбоб-ускуна, идиш, қопқок деган нарсаларни қаер-дан топаман? Спирт ҳам, билишимча, му-аммо... — сўрайди Нурилло Назокатдан.

— Бу ёғини менга қўйиб бering. Сиз пулингизни тайёрлаб қўйсангиз бўлди, — дейди Назокат. У Назокатга ўзининг уй манзили ва телефон рақамини қол-дирди. Айтилган муддатда Назокат ке-ракли нарсаларни етказиб берди. Шу тариқа унинг хонадонига яширинг чех иш бошлади. Н.Одилов қалбаки ақис мар-калари ёпиштирилган қўлбола ароқлар-ни қудаси Н.Юнусовнинг дўконига ет-

**Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,**  
Учтепа туман прокуратураси катта терговчиси

казиб туради. Қудаси ҳам гўё ҳеч нарса бўлмагандай, бу ароқларни харидор-ларга "тозасидан бор" дея пуллаивера-ди.

Нима деб ўйлайсиз, Н.Одиловнинг яширинг чех очганидан маҳалла фаол-лари, кўни-қўшиллар беҳабар бўлиш-ганми? Албатта, йўқ. Улар хабардор бўлишган, бироқ лоқайдлик, "сен мен-га тегма, мен сенга" қабиллида йўл ту-тишган. Яхшиямки, бошқаларнинг соғ-лиғига, қонунбузилишларга бефарқ бўлмаган одамлар бор. Бош прокура-тура хузуридаги СВОЖДЛК депар-таментининг Учтепа туман бўлими хо-димлари томонидан ўтказилган текши-рувда Н.Одиловнинг бошқа шахслар билан жиноий тил бириктирган ҳолда ўз хонадонига яширинг чех ташкил эт-гани аниқланди. Мазкур яширинг чех қўздан кечирилганда, у ердан қалбаки ақис маркалари, 110 литр спирт, 140 литр спирт билан сув аралашмаси, қўлбола ускулда тайёрлаб қўйилган ароқ маҳсулотлари, шиша идишлар, қопқок-лар, ароқ қуйиш мосламаси ва бошқа воситалар ашёвий далил тариқасида олинган. Шунингдек, Н.Юнусовнинг сав-до дўконига Н.Одилов ишлаб чиқарган қўлбола ароқлар сотувга қўйилгани аниқланган. Суд-техника экспертизаси Н.Одилов хонадонидан олинган ақис маркалар қалбаки эканлиги ҳақида ҳу-лоса берган.

Давлат санитария-эпидемиология на-зорати маркази эса, ушбу қўлбола ароқлар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли эканлиги ҳуеу-сиди ҳулоса берган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг ҳукми билан "ишбилармон" қудалар қилмишларига яраша жазола-рини олишди.

Кейинги пайтларда "пластик қарточкамағи пулни фалон жойда нақлашти-риб олин", "пластикнингизда пул бўлса, фалон фонизга ечиб бераман" каби сўзлар бот-бот қўлоққа чағинмоқда. Ваҳоланки, бу "операция" ноқонунийлар.

## Пластик қарточка шайдоси

Бироқ бунинг иккинчи томо-ни ҳам бор. Яъни содда ин-сонларнинг ишонувчанлиги боис, фирибгар, товламачи кимсалар-нинг тузоғига тушиб қолаётгани ҳам бор гап.

Шафоат (исм-фамилиялар ўзгарт-рилган) мактабдаги дарсларини ўқи-до, йўловчи "Дамас"га чиқиб, уйига ошиқди. Йўл-йўлакка аёллар билан гу-рунглашиб кетаётиб, гап пластик қарточ-каларга бориб талқалди.

— Менинг пластикимда ҳам анча-гина пули бор, шуни нақлаштиришим керак, — деди у гап орасида. Буни орқа ўриндиқда ўтирган Аброр исмли йигит тасодифан эшитди-ю, "пайтавасига кўрт тушди". У бу пулларни қўлга киритиш ҳақида бош қотирар экан, ногоҳ ҳаёли-га келган ўйдан қувониб кетди.

— Опа, қанча пулингиз бор ўзи? — сўради у ўсмоқчилаб.

— Бир миллион атрофида, — жавоб қилди Шафоат.

Бунча пулингиз дарагини эшитган Аброр шовиб қолди.

— Майли, десангиз, уни ўзим нақд-лаштириб бераман, — деди қувлик би-лан.

Бу гапни эшитган Шафоат ҳам жон-ланиб қолди. Афтдан, унга нақд пул жуда зарур эди.

— Неча фонизга? — сўради у умид-ворлик билан.

— Ўн фонизга...

Шафоатга бу таклиф маъқул келди чоғи, йигитга ўз телефон рақамини ёзиб берди.

Орадан бир неча соат ўтгач, Аброр Шафоатга қўнғироқ қилди:

— Опа, "Сардоба"га кела оласизми? Пулингизни ошнам нақд қилиб бера-диган бўлди...

Хурсанд бўлган аёл айтилган ман-зилга етиб қолди. Аброр уни етакла-ганча шу атрофдаги дорихонага ки-риб, пластик қарточкада қанча пул бор-лигини аниқламоқчи бўлди. Ниёти

эса, қанчаллигини билиб олгач, унга эга чиқиб эди.

Шундай ҳам бўлди. Шафоат содда-лик билан сотувчи йигитга қарнинг кодмини айтиши билан Аброр уни би-либ олди. Улар ташқарига чиқишгач, Аброр аёлни биров гапга солиб тур-ди. Сўнгра унинг қўлидаги қартани тор-тиб олиб, қочиб қолди. Аёл "ҳай-ҳай"-лаганча қолаверди.

Аброр эса шу кетганича "Чорсу" бо-зорига бориб, пулни нотаниш киши-лар ёрдамида нақлаштириб олди-да, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Аслида Аброр аввал ҳам икки мар-та жиноят содир этиб қамалган, аммо, бундан етарли ҳулоса чиқариб олма-ган эди. Шу боис, қилмишидан зар-рача ҳам афсусланмади. Унинг нават-даги "қурбони" Поп туманида яшов-чи Наима исмли қиз бўлди. Фириб-гар йигит қизнинг ишончига кириб, уни бир неча марта учрашувга қачир-ди. Бу орада унинг 100 минг сўм пули ва ичиди 420 минг сўми бор пластик қарточкасини олиб, қайтармай юра-верди. Боз устига, уни Наманган шаҳ-рига алдаб олиб келиб, атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган ҳолда бўйнидаги 2 млн. 200 минг сўмлик тилла занжирини олиб, қочиб кетди.

Чамаси, у бу гап "тутқич бермайман", деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар ту-файли жиноятчи қўлга олинди ва тер-гов ҳаракатлари бошланди. Қилмиш-лари исботини топган Аброр Қосимов суднинг ҳукми билан олти йил муддатга озоқликдан маҳрум этилди.

# Жиноятнинг илдиизи қаерда?

[Давоми. Бошланиши 5-бетда]

Аёлни муттасил равишда хўрлади, унинг шаъни ва кадр-қиммати ерга урди, имкон топилди, дегунча уни калтаклади Бунинг оқибатида аёл ўз жонига қасд қилди. Хотиннинг вафотига сабабчи бўлган эр суд ҳукми билан 7 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Хар бир инсон болаликдан ўзини юксак мақсадларга чоғлаши керак. Шунинг учун ҳам фарзандимизни кичик ёшидан мактабга юборамиз. Унинг илм олиши, хулқ-аъвори ва тарбиясидан хамиша бохабар бўлиб тураемиз. Боланинг касб-хунар эгаллаши, олий маълумот олиши маърифатли кишиларнинг

энг эзгу мақсади бўлиб, ҳар бир ота-она бу борада давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бола тарбиясидаги бундай муҳим ишга эътиборсизлик билан қараш эса вақти келиб ўзининг аччиқ мевасини беради.

Яна бир маълумотга эътибор беринг. Туманда ўтган йил 34 та, аввалги йилдагига қараганда эса 10 та кўп ўғирлик содир этилган. Бу борада олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўғирликларнинг кўпайишига фуқароларимиз ўз мол-мулкларини кўриқлашга бепарво қарашлари ҳам сабаб бўлмоқда. "Ўзингга эҳтиёт бўл, кўлингнинг ўғри тутма", деган мақол бежиз айтилмаган. Ана

шундай эътиборсизлик ва ўғирлик содир этилгандан кейин ҳам тегишли идораларга хабар қилмаслик оқибатида юқорида айтганимиздек ўғирлик билан боғлиқ жиноятларни очишда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда.

## ЎҒРИНИ

### РАҒБАТЛАНТИРМАНГ

Очилмай қолган жиноят — ўғри учун рағбат. Бундай ҳолатни Ихтиёр Холбоев ва унинг шериклари мисолида ҳам кўриш мумкин. Макрид кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудларда, Шахрисабз ҳамда Ўқибат туманларида аввал 10 марта ўғирлик жинояти содир этган Ихтиёр, Жаҳоҳир, Зафар исмли шахслар 2012 йил 26 декабрь куни

Китоб туман мол бозорида 6 бош ўғрилган қорамолни сотаётганларида туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Токи қўлга олинганларига қадар уларнинг содир этган жиноятлари очилмай келган.

Худди шунингдек, Қайнар дам олиш масканидан йўқолган музлатгич билан боғлиқ жиноят ҳам орадан бир йил ўтиб, ўша музлатгични ўғирлаган кишилар томонидан содир этилган бошқа бир жиноят туфайли очилди. Аммо жиноятлари фош бўлувчи қадар Улуғбек Юлдашев, Жасур Пармонов ва Фариддин Ашуровдан ташкил топган гуруҳ туманининг Қайнар ҳамда Сапарча кишлоқларида бир неча бор ўғирлик жинояти

содир этишган.

Келтирилган мисоллар таҳлиладан ҳам кўриниб турибдики, ўғирлик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига фуқароларимизнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлади. Демак, турмушимизнинг тинч ва беҳавотир бўлиши, мол-мулкнингизга биров дахл қилмаслигини истасангиз, ҳамisha хушёр бўлинг. Мабо-до, ўғирлик ёки бошқа бигрон-бир жиноят рўй берса, жиноятнинг изи совимасдан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига хабар етказинг. Шунда мол-мулкнингизнинг дахлсизлигини таъминлаган, ҳам жиноятни очишга ёрдам берган бўласиз.

Халқаро ҳаёт

## Хитойда икки мингта зилзила

Хитойнинг Синчуан провинциясида шанба куни 7 балли зилзила рўй берган. Бундан ташқари, ушбу провинцияда яна 2000дан зиёд такрорий ер ости силкинишлари содир бўлди. Маълумотларга кўра, табиий офат туфайли ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар сони 213 кишига етган. Жумладан, 188 нафари ҳалок бўлган, 25 киши эса бедарак йўқолган, деб рўйхатга олинди. Бундан ташқари, ер силкиниши оқибатида 11 826 киши жароҳат олган. Вайроналар остида қолган қурбонлар ва яраланганларнинг сони ҳали номаълум. Яраланганлар ҳар 15 дақиқада очик осмон остидаги касалхоналарга олиб келинмоқда. Жароҳатига қараб жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатилмоқда, янчали аҳолидаги ярали эса провинция марказига жўнатилмоқда. Қўшни мамлакатлардаги тез ёрдам бригадалари Синчуанга ёрдамга етиб келмоқда. Касалхоналарда жойлар етишмаётганлиги сабабли уларга ташкил этилган махсус палаткаларда ёрдам кўрсатилмоқда. Табиий офат ҳудудига ўнлаб кўнгилли сайёҳ ва талабалар ёрдамга шошилмоқдалар. Ченду атрофида шу куни туни билан ер силкинишлари кузатилиб турди, уларнинг кучи 5 баллгача қайд этилди. Сейсмологлар ушбу табиий ҳодиса қачон тўхташини айта олмаётганлар.



Хитойнинг Синчуан провинциясида шанба куни 7 балли зилзила рўй берган. Бундан ташқари, ушбу провинцияда яна 2000дан зиёд такрорий ер ости силкинишлари содир бўлди. Маълумотларга кўра, табиий офат туфайли ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар сони 213 кишига етган. Жумладан, 188 нафари ҳалок бўлган, 25 киши эса бедарак йўқолган, деб рўйхатга олинди. Бундан ташқари, ер силкиниши оқибатида 11 826 киши жароҳат олган. Вайроналар остида қолган қурбонлар ва яраланганларнинг сони ҳали номаълум. Яраланганлар ҳар 15 дақиқада очик осмон остидаги касалхоналарга олиб келинмоқда. Жароҳатига қараб жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатилмоқда, янчали аҳолидаги ярали эса провинция марказига жўнатилмоқда. Қўшни мамлакатлардаги тез ёрдам бригадалари Синчуанга ёрдамга етиб келмоқда. Касалхоналарда жойлар етишмаётганлиги сабабли уларга ташкил этилган махсус палаткаларда ёрдам кўрсатилмоқда. Табиий офат ҳудудига ўнлаб кўнгилли сайёҳ ва талабалар ёрдамга шошилмоқдалар. Ченду атрофида шу куни туни билан ер силкинишлари кузатилиб турди, уларнинг кучи 5 баллгача қайд этилди. Сейсмологлар ушбу табиий ҳодиса қачон тўхташини айта олмаётганлар.



## Пандами ёки кўршапалак?

АҚШнинг Бакнелл университети халқаро биологлар гуруҳи Жанубий Суанна фанга ҳали кашф қилинмаган жониворни — кўршапалакларнинг янги турини аниқладилар.

Хабарларга қараганда, унинг ташқи қиёфаси бамбук айигини (панда) эслатади. Тадқиқотлар натижасида олимлар мазкур хайвон шу қадар ноёблики сабаб уни кўлқанотлиларнинг (сут эмизувчилар туркумига мансуб) бутунлай янги хилга қўйиш керак, деган ҳулосага келдилар.

Биологлар кўршапалакнинг бу янги наслига "Niumbaha" деб ном бердилар. Мутахассислар мазкур воқеа шов-шувга айланмаган йирик кашфиёт бўлишини айтишмоқда.



## Энг кекса одам яна бир ёшга улғайди

Дунёдаги энг кекса одам бўлиш япониялик Дзироэмон Кимура бу йил 116 ёшни қарши олади. Шу муносабат билан унга Гиннесс рекордлар китобининг сертификати топширилди, мамлакат бош вазири Синдзо Абэ эса отахонга видеотабрик йўлади.

"Кимуранинг саломатлиги бу Япониянинг факри", - дейилади вазирнинг муносабатида. Отахонга, шунингдек Кётоно шаҳри маъмуриятининг совға ва табриклари ҳам топширилди.

Айни дамда Кимура набирасининг 60 ёшли беваси уйда яшайди. Дзироэмон Кимура ўтган йилнинг охиридан бери саломатлиги ёмонлашгани сабабли икки марта касалхонада даволаниб чиқди. Айни пайтда унинг аҳоли ёшига нисбатан жуда яхши деб баҳоланмоқда. Шунингдек, унинг иштаҳси ҳам ёмон эмас, кунига 3 марта овқатланмоқда. Отахон кўпича бўтка, картошка пюреси ва қовоқ истеъмол қилишни хуш кўради.

Кимура 1897 йилнинг 19 апрель куни туғилган ва ўтган йилнинг декабрь ойидан буён дунёдаги энг кекса одам сифатида эътироф этилмоқда.

ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН

## «QASHQADARYO MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарь вилоят ҳудудий бошқармасининг 11.04.2013 йилдаги ХБ-95/04-сонли буйруғига асосан, Қарши шаҳар Ўзбекистон овози кўчаси 16-уйда жойлашган "Махсус механизациялашган кўчма колонна" МЧЖнинг устав фондидаги бошланғич баҳоси — 460 993 440 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Улуш" деб аталувчи) 4,34 фойз давлат улushi қўйилмоқда.

— Баланс сакловчининг номи: "Махсус механизациялашган кўчма колонна" МЧЖ.

— Фаолият ихтисослиги: қурилиш ва монтаж

Савдо 2013 йил 27 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 24 май куни соат 18:00.

"Улуш" 2013 йил 27 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 7, 18, 28 июнь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 7 июндаги савдо учун 5 июнь куни соат 18:00, 18 июндаги

савдо учун 14 июнь куни соат 18:00, 28 июндаги савдо учун 26 июнь куни соат 18:00.

Талабгорлар "Улуш" бошланғич баҳосининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунга қадар АТИБ Ипотeka банк Қашқадарь филиали: 20208000304942030002, МФО: 00190, СТИР: 302127131 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарь

вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Туланган закалат "Улуш" сотилиш баҳосининг 15 фойзидан камини ташкил этса, савдо голиб давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳар М.Абдуллаева кўчаси 20-уй.

Тел./факс (8-735)-225 41-52  
www.rmm.uz. Гувоҳнома: 000494.

Хизмат кўрсатиш лицензияланган

## «ХОРАЗМ УНИВЕРСАЛ АУКЦИОН ИНВЕСТ» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 27 май куни соат 11:00да Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 30-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Боғот туман Кудонқорабоғ кишлоғи, "Боғот дон" АЖДА сақланаётган 1. Т-4А трактор, 1989 йил и/ч, ер суриш, тех.носоз. Бошланғич баҳоси — 4 342 374 сўм. 2. Т-40 трактор, 1989 йил и/ч, д/р 30-99 ХЖ, юк ташини, тех. носоз. Бошланғич баҳоси — 3 319 630 сўм. 3. ТГМ23 Д48-116 ТЕПЛОВОЗ, 1991 йил и/ч, тех.соз. Бошланғич баҳоси — 75 497 325 сўм. Ушбу куни сотилмай қолган авторанспорт воситаларининг такрорий савдолари 2013 йил ҳар душанба кунлари бўлиб ўтади. Аук-

цион савдосига қатнашувчилар қуйидагиларни тақдим этишлари шарт. — Кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; — бошланғич баҳонинг 10 фойзи миқдорда гаров пули "Хоразм универсал аукцион инвест" МЧЖ. МФО 00580, ИНН 302452575 Урганч шаҳар АИТБ "Ипотeka банк" "Тинчлик" филиали 20208000305011133001 ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси. - харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси. Аукцион савдосига иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пули тўлаган харидорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бош-

ланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00гача қабул қилинади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00дан 18:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик вақти). Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин. Сизларни қизиқтирган барча савдолар билан қуйидаги телефон орқали маълумот олишингиз мумкин:

Телефон: +99891 994-77-71.  
Гувоҳнома № 50700.

Хизмат кўрсатиш лицензияланган



# Ишончли ҳамкоримиздан миннатдормиз

**Мухтарам Президентимиз юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишларига катта эътибор бермоқдалар. Ҳозирда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар бунинг ёрқин ифодасидир.**

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фаолиятларини янада ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар беришни кенг йўлга қўйган. "Асака" банк кредитларидан кўп сонли тадбиркорлар ва ишбилармонлар фойдаланиб, ишлаб чиқариш қувватларини оширмоқдалар ва янги иш ўринлари яратмоқдалар.

Бизнинг "РашТекстиль" масъулияти чек-

ланган жамиятимиз Кўқон шаҳри саноатида ўз ўрни ва мавқеига эга. Бунда эса ишончли ҳамкоримиз бўлган "Асака" банк Кўқон филиалининг кўмаги катта аҳамиятга эгадир. 2010 йилда мазкур банкдан имтиёзли шартларда кредит олиб, ўз фаолиятимизни замон талаблари асосида ташкил этдик.

Банк кредити ҳисобига сифатли хомашё сотиб олиб, ишлаб чиқариш қувватини оширишга ва 10 та янги иш ўринлари яратишга эришдик. Жамиятимизда ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларини шахримиздаги истеъмолчиларга етказдик ва ички бозорни тўлдиришга ўз ҳиссамизни қўшдик.

Биз "Обод турмуш йили"да халқ фаровонлигини таъминлаш, яшаш ва турмуш ша-

роитларини янада обод этиш ишига ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Бизнинг бу мақсадимизни амалга оширишда "Асака" банкнинг қўллаб-қувватлашига ишонамиз. Банкнинг молиявий ёрдамида янги бўёқ цехи ва тивук цехларини ташкил этмоқчимиз. Натижада янги иш ўринлари яратилади, уларга эса асосан ёш мутахассислар жалб этилади.

Истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга "Асака" банк ҳақиқий кўмакдош бўлмоқда. Кўплар қатори биз ҳам бу ишончли ҳамкоримиздан миннатдормиз.

**Шавкатжон Алимов,**  
"РашТекстиль" МЧЖ раҳбари

## «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 16 апрелдаги 45/и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Саховат кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси — 360 930 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) собиқ ички ишлар бўлими бино ва иншоотлари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.**

**Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:** — энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сакловчининг номи:** Ангрэн шаҳар ҳокимлиги.

**Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

**Ер участкасининг умумий майдони** — 0,1556 га.

Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 556,42 кв.м.

Талабдорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 54 139 500 сўм миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

11. Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 16 апрелдаги 44/и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Қорақалпоқ" ҚФЙ, Ёшлик қўрғони манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси — 71 522 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) нотураж жой биноси очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

**Объектнинг очиқ аукцион савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари:**

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Балансда сакловчининг номи:** Паркент тумани ҳокимлиги.

**Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

**Ер участкасининг умумий майдони** — 0,13 га.

Бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони — 320,89 кв.м.

Талабдорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 10 728 300 сўм миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

**Савдо 2013 йил 27 май кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 24 май кuni соат 18:00.

Юқоридаги "Давлат активлари" 2013 йил 27 май кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 7, 21 июнь ва 5 июль кунлари соат 11:00да бўлиб

ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 7 июндаги савдо учун 5 июнь кuni соат 18:00; 2013 йил 21 июндаги савдо учун 19 июнь кuni соат 18:00; 2013 йил 5 июлдаги савдо учун 3 июль кuni соат 18:00.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси) Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камини ташкил этса, савдо голиб давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001

**Хизмат кўрсатиш лицензияланган**

## Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкни хорийжий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 март кундаги 02-02-24-36-сонли йигилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда.**

**Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотди шартномалари тузиш шартлари:**

1. Яқкабоғ тумани, F.Ғулум кўчаси 11-уй манзилида жойлашган "ГАСН" масъулияти чекланган жамиятининг 45 фоиз давлат улуши бўйича:

Жамиятнинг устав фонди 22 422 000 сўмини ташкил этиб, устав фондига нисбатан 25 фоиз улушининг номинал қиймати 10 089 900 сўмини ташкил этади.

"ГАСН" МЧЖнинг 45 фоиз давлат улушига 12 476 000 (ўн икки миллион тўрт юз етмиш олти минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

2. Қарши тумани, Ертепа ҚФЙ, Мирмирон кишлоғи манзилида жойлашган "Мулк ўттиз" масъулияти чекланган жамиятининг 95 фоиз давлат улуши бўйича:

Жамиятнинг устав фонди 157 802 800 сўмини ташкил этиб, устав фондига нисбатан 95 фоиз улушининг номинал қиймати 149 912 660 сўмини ташкил этади.

"Мулк ўттиз" МЧЖнинг 95 фоиз давлат улушига 2 039 775 118 (икки миллиард ўттиз тўққиз миллион етти юз етмиш беш минг бир юз ўн саккиз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

3. Қашқадарё вилояти, Қасби туман ҳокимлигига қарашли "Ободонлаштириш" бошқармаси балансидаги "Ошхона" биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 176,57 м², шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 107,68 м².

Қашқадарё вилояти, Қасби туман ҳокимлигига

қарашли "Ободонлаштириш" бошқармаси балансидаги "Ошхона" биносига 58 830 823 (эллик саккиз миллион саккиз юз ўттиз минг саккиз юз йигирма уч) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

4. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, "Помук" кишлоғида жойлашган, туман солиқ инспекциясига қарашли фойдаланилмаётган маъмурий биноси бўйича:

Объектнинг умумий ер майдони 6004,75 м², шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 495,05 м².

Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, "Помук" кишлоғида жойлашган, туман солиқ инспекциясига қарашли фойдаланилмаётган маъмурий бинога 419 214 020 (тўрт юз ўн тўққиз миллион икки юз ўн тўрт минг йигирма) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш ҳамда объект фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

**Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили:** Музокаралар 2013 йилнинг 28 май кuni соат 10:00дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

Талабдорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2013 йил 29 апрель кунидан (ҳар ҳафта дунданбадан жума кунига қадар соат 9:00дан бошлаб 18:00гача) 2013 йил 27 май кuni соат 18:00гача.

Оммавий оферта савдоларида катнашиш учун савдо ташкилотчисига талабдор ёки учун вакили эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунинг-

дек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— jisмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорига закатал тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги озги ёпиштирилган конвертларга солинган талабдор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаса ва улари тўлаш мuddати;

— Такдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Сотувчининг манзили:** 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

**Алоқа телефонлари:** (8375) 225-03-11, 225-02-48. факс: 225-02-51.

**E-mail:** gkikashkadarya@mail.ru

Мазкур давлат активларини савдога қўйиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонун-бузилиши ва тамагирлик ҳолатлари ҳамда ноқонуний аралашувлар кузатишган ҳолларда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 рақамларига мурожаат қилишнингизни маълум қилами!

**Хизмат кўрсатиш лицензияланган**

## Муваффақиятлар эътирофи



Олтинчи мартаба ўтказилган "Банкэспо-2013" миллий кўرғазма-сима мамлакатимиздаги барча банклари қатори Давлат-тижорат "Халқ банки" ҳам турли янги хизмат турларини намойиш этди. Мазкур банк томонидан асосан "Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ тақлиф этилаётган янги хизматлар, жумладан, янги омонат турлари ва кредит маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамма хотин-қизлар учун жорий этилган банк хизматлари бўйича атрафлича маълумотлар берилди. Шунингдек, кўрғазма иштирокчилари "Халқ банки" томонидан жорий этилган янги хизматлардан шу ернинг ўзида фойдаланиш имконига ҳам эга бўлдилар.

— "Халқ банки"нинг янги хизмат турларидан бири — жисмоний шахсларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлганимдан хурсандман, — дейди кўрғазма иштирокчиларидан бири Зафар Бобоназаров. — Банк ходимлари шу ернинг ўзида ҳисоб рақамини очиб берди, энди уяли телефоним орқали ҳисоб рақамини бошқариб, телефон, коммунал тўловлар ва бошқа тўловларни тўлашим мумкин. Бунга ўхшаш янгиликлар ҳамма учун қулай, бейхитёр кайфиятингизни кўтарди, тадбиркорларга эса қimmatли вақтини тежаш имконини беради.

Тақидлаш жоизки, кўрғазмада "Халқ банки" томонидан янги замонавий ахборот технологиялари ва хизматлари, хусусан, интернет-банкнинг, мобайл банкнинг, замонавий пул ўтказмалари, пластик карталар билан ишлаш ва уларнинг афзалликлари кенг намойиш этилди. Кўрғазмада иштирок этган хоризик ҳамкорлар ҳам банк маҳсулотларига юқори баҳо беришди.

Кўрғазмада юртимизнинг барча ҳудудларидан келган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қатори "Халқ банки"нинг тадбиркорлик борасидаги фаол миқозлари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар қатори кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этилишини рағбатлантириш, банк миқозларига ҳам хизмат кўрсатишини янада такомиллаштириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари ўртасида танлов эълон қилинган эди. Кўрғазмада мазкур танлов қатнашчилари ҳам ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этиб, бошқа молия муассасаларининг ҳам тақлиф этаётган хизматлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Икки кун давомида бўлиб ўтган кўрғазма доирасида банк томонидан эълон қилинган "Қишлоқ жойлардаги энг яхши лойиҳа", "Энг ёш тадбиркор", "Энг яхши аёл тадбиркор" ва "Энг яхши лойиҳа" йўналишлари бўйича 10 нафар голиб бўлган тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Лойиҳам асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда энг катта кўмакни "Халқ банки" берди, — дейди жиизақлик тадбиркор Содиқ Фармонов. — Мен банкнинг Жиззах вилоят филиалидан олган 160 миллион сўм кредитдан самарали фойдаланиб, хориждан кийим-кечак ишлаб чиқаришга хомашё ва замонавий ускуна сотиб олдим. Шу орқали тадбиркорлигим кўлами кенгайди, натижада ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ҳам икки баробарга ортди. Энг муҳими 48 нафар ёшлар иш билан таъминланди, ҳозирда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладим. Келгусида хорижга ҳам маҳсулот экспорт қилишни мўлжаллаб қўйганман. Банк томонидан эълон қилинган танловда "Энг яхши лойиҳа" йўналиши бўйича голиб бўлганимдан жуда хурсандман. Бу ютуқ меннинг келгусида эришадиган муваффақиятларим учун катта туртки ва муҳим қадам бўлди, деб ўйлайман. Тўғриси айтсам, мен "Халқ банки" хизматларидан миннатдорман. Кўрғазма давомида голиб бўлган тадбиркорларнинг қайси

бири билан суҳбатлашмайлик, уларда ўзларининг келгусидаги истиқболли бизнес лойиҳаларини амалга оширишга бўлган ишонч ва умид юқори эканлигини англаб олиш қийин эмас эди. Чунки, улар тадбиркорларни таянчи ва чин маънодаги суянчиги бўлган банкларнинг кўмагига тўғридан-тўғри суянмоқда. Бу ишонч, албатта, келгусида ўз мевасини бериб, мана шулар каби тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодини ривожига ўз улушини қўшади.

— Мана давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ҳамда берилаётган имкониятларга ўзим мисолимда яна бир бор амин бўлдим, — дейди қорақалпоғистонлик ёш тадбиркор Бахтиёр Худоевров. — Ўзим ёшлигимдан катта бир ишлаб чиқариш қилиб, халқимга, Ўзбекистон ривожига нафим тегса, деб орзу қилар эдим. Ушбу ниятларимнинг амалга ошишида "Халқ банки" ходимлари катта ёрдам берди. Ўзимнинг бизнес лойиҳамни "Халқ банки"га тақдим қилган эдим, улар менга сўраган 25 миллион сўм кредит ажратишга қарор қилишди. Мана шу маблагъ эвазига кичкина бўлса ҳам макарон цехини йўлга қўйдим. Ҳозирда турли хилдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқимизга дастурхонига etkazиб бермоқдамиз. 10 га яқин иш ўрни ҳам яратилди. "Халқ банки"нинг "Энг ёш тадбиркор" танловида голиб бўлишим мен учун қутлимган совға бўлди. Келгусида мана шу ишончли банк билан ҳамкорликда ўзим орзу қилгандайин ишлаб чиқаришни бошқа турларини йўлга қўйиб, халқимизга хизмат қилиб оқлайман, албатта.

Кўрғазмада голиб бўлган хусусий тадбиркорларнинг юз-кўзларидаги хурсандчилик ва манунликдан уларнинг яқин ҳамкори ва кўмақдoshi саналган банк ва унинг ходимларига бўлган ишонч янада ортанглигини сезиш қийин эмас эди. Бир сўз билан айтганда, ушбу танлов тадбиркорларга ўз ишига бўлган масъулиятини янада ошириб, келгусида уларни катта ютуқларга ундаши билан аҳамиятли бўлди.

Кўрғазма давомида танлов иштирокчилари турли вилоятлардан келган ҳар хил йўналишдаги тадбиркорлар билан ўзаро таъриба алмаштириш имконига ҳам эга бўлишди.

Икки кун давом этган кўрғазма якунида 20 дан ортиқ йўналиш бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритган молия муассасалар жамоасига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. "Халқ банки" "Оила фаровонлигига ҳисса қўшаётган энг яхши банк", "Энг кўп ташриф буюриладиган стэнд", "Энг яхши реклама компанияси" йўналишлари бўйича голиб бўлиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунинг эътирофи таърифи жоизки, бу муваффақият "Халқ банки"нинг аҳоли ва миқозларга қўрсатаётган янги хизматлари билан жадал суръатларда ривожланиб, улар ишончига сазовор бўлаётганлигининг амалий ифодасидир.

"Халқ банки" матбуот хизмати



Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг "Бунёкор" жамоаси гуруҳ баҳслари доирасида Япониянинг "Санфречче Хиросима" клубини қабул қилди. Директорнинг энг кўрама майдолида бўлиб ўтган ўйин нурсиз дуранг билан якунланди.

## Барчаси сўнгги турда

Ўтган йилдан буён Шарқий Осиё мамлакатлари клубларига рўбарў келаётган "қалдирғочлар" тезкор футбол намойиш этадиган Япония, Жанубий Корея ва Хитой каби давлатларнинг клубларига қарши анча муваффақиятли ўйнамоқда. Бу мавсумни ҳам вакилларимиз яхши бошлашган эди. Айнан "Санфречче Хиросима"ни меҳмонда мағлуб этиб, гуруҳдан чиқиш учун асосий даъвогар эканлигини исботлай олданди.

Бирок "Бунёкор" ўз майдонида ўтказилган икки ўйинда рақибларини мағлуб эта олмаган эди. "Қалдирғочлар"нинг гуруҳ баҳсларидаги ўйинларига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимиз жамоаси меҳмондаги ўйинларининг ҳар иккисидан ҳам ғалаба қозонди. Бундан кўриниб турибдики, вакилларимиз меҳмонда муваффақиятлироқ тўп суришмоқда. Ўз майдонларида эса нима учундир ғалабани ўз томонларига огдиришда катта қийинчиликларга дуч келишмоқда. Жумладан, "Санфречче Хиросима" клубига қарши кенган ўйинда ҳам худди шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик.

Ўйин олдидан бу жамоаларнинг ҳар иккиси икки хил ҳолатда эди. Кун чиқар юрт вакилларининг мусобақани давом эттира олмасликлари ойдинлашган бўлиб, улар буёғига шунчаки муҳлисларини қувонтириш учун майдонга чиқашди. "Қалдирғочлар"да эса вазият умуман бошқача, яъни иккинчи жуфтликда "Бейцзин Гуан" клуби "Похан Стилерс"ни 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, гуруҳдаги вазиятни чигал ҳолатга келтириб қўйишганди. Бу бир томондан "Бунёкор"га жуда яхши имконият туғдирди. Сабаби тошкентликлар ғалаба қозонса, мундатдан олдин гуруҳдаги биринчи ўрин масаласини ҳал этарди. Бошқа томондан "қалдирғочлар" ўз майдонида ғалаба қозона олмаса, барчаси меҳмондаги сўнгги тур ўйинида ҳал бўларди.

Буни яхши ҳис қилган майдон эгалари ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб ҳужумга зўр беришди. Рақиблар эса майдон эгаларини қарши ҳужумларда жазолашга ҳаракат қилишди. Бу учрашувдаги ғалабанинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Миржалол Қосимов биринчи бўлимининг ўзида, аниқроқ қилиб айтганда, 23 дақиқадаёқ иккинчи ҳужумчини майдонга туширди. Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмасин, шу кун "Бунёкор"га ғалаба қозониш насиб этмади. "Қалдирғочлар" яна ўз майдонларида дуранг ўйнашди. Энди ҳаммаси Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган сўнгги тур ўйинида ҳал бўлади. "Бунёкор"нинг меҳмондаги ўйинларида ишонгли ғалабаларга эришаётганини ҳисобга олсак, вакилларимиз "Похан Стилерс"ни мағлуб этишига ишонамиз.

**"БУНЁКОР" — "САНФРЕЧЧЕ ХИРОСИМА" 0:0**  
Мақсудали ҚАМБАРОВ

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси  
Лола Шомуратовга акаси  
Равшан ШОМУРАТОВнинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ҳарбий прокуратура шахсий таркиби,  
захирадаги ақлия подполковниги  
Мамарасул МАҲБУБОВнинг  
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этлади.

**Huquq**  
yuridik gazeta

**Muassis:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Akademik  
Yahyo Gulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53  
**Faks:** 233-10-53,  
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chopiqi.  
Sotuvda kelishgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko' chibir boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat material.  
Reklama materiallarining mazmunini uchun tahririyat javobgar emas.

**Nashr ko'rsatkichi**  
**231**

**Buyurtma j-8968.53 245** nusxada bosildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridil va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navyatchi muharrir:** G. ALIMOV  
**Musahhihi:** M.QAMBAROV  
**Navyatchi:** O. DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida

2009-yil 12-oktabrda  
0188-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

